JAHON IQTISODIYOTI VA DIPLOMATIYA UNIVERSITETI

XALQARO MUNOSABATLAR

SIYOSAT, IQTISODIYOT, HUQUQ

ILMIY-NAZARIY JURNAL

3/2015
(№61)

BOSH MUHARRIR: A.A. DJUMANOV

TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

A.V. Makatayev, B.A. Abdurahmonov, N.A. Nugmanov, O.R. Sheraliyev, Sh.M.Abdullayev, M.M.Bahadirov, I.I. Boboqulov, R.F.Farmonov, A.O.Fayzullayev, A.A.Isajanov, I.A.Hamedov, Q.A.Jurayev, I.R.Mavlonov, A.R.Muminov, M.H.Rahmonkulov, B.B. Samarxojaev, N.Sirojiddinov, E.S.Sultonova, G.A.Tabak, L.M.Tashpulatova, A.V.Voxidov, T.V.Zaytseva, Z.H. Nasirova.

TELEFONLAR: 267-07-41; 268-61-07; FAKS: 267-09-00
TAHRIRIYAT MANZILI: 100113, Toshkent, Mustaqillik shoh ko'chasi, 54.

Ushbu sonni tayyorlaganlar:

Muharrirlar: L.B.Hodanovich, N.M.Usmonova
Original-maket va dizayn: I.A.Semenyuk

JIDU ruxsatisiz qayta chop etish man qilinadi.
Ko'chirib bosilganda «Xalqaro munosabatlar» jurnali ko'rsatilishi shart.
Tahrir hay'ati fikri muallif fikridan o'zgacha bo'lishi mumkin.
Qo'lyozmalar, suratlar qaytarilmaydi.

Перепечатка без разрешения УМЭД не допускается.
При перепечатке ссылка на журнал «Xalqaro munosabatlar» обязательна.
Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов публикуемых статей.
Рукописи, фотографии, рисунки не возвращаются.

Ushbu nashr 068 raqami bilan qayd etilgan.

Formati 70x100 1/16. Hajmi 8,4 b.t. Adadi 300 nusxa. Kelishilgan narxda.
JIDUda chop etildi. Toshkent, Mustaqillik shoh ko'chasi, 54.

© Xalqaro munosabatlar, 2015.

МУНДАРИЖА

Xalqaro munosabatlar taraqqiyoti tarixi ● История развития международных отношений ●

Д. Зияева, Ж. Перемкулов
ЎРТА ОСИЁ ШАҲАРЛАРИНИНГ ЭРОН ВА ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ 5

Jahon siyosati ● Мировая политика ●World Politics

Г. Джураева
ПЕРСПЕКТИВЫ СОТРУДНИЧЕСТВА ШОС И АСЕАН В НОВОМ СТОЛЕТИИ 13

A. Abdullayev
ANALYSIS OF THE INTERNATIONAL RELATIONS OF THE MIDDLE EAST FROM STRUCTURALISM PERSPECTIVE 20

Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar ● ● Мировая экономика и международные экономические отношения ● World Economy and international economic relations

У. Умаров
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА БАНКРОТЛИК-ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИК ИНСТИТУТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ 30

Informatsionjamiyat taraqqiyoti ● Развитие информационного общества ●The development of information society

Н. Нугманов
АХБОРОТ ИНҚИЛОБИ ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМЛИГИ 38

Xalqaro va milliy huquq institutlarining taraqqiyoti ● Развитие национальных и международных правовых институтов ● The development of national and international legal institutions

Р. Юсувалиева, Д. Валижонов
МИНТАҚАДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ 43

Ҳ. Очилов
ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ КОМПЬЮТЕР ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИЛИГИ 48

Г.Сатвалдиев
ОПЫТ США ЗАКОНОДАТЕЛЬНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА ТЕХНОЛОГИЙ 56

Xorij adabiyotlari sharhi ● Обзор зарубежной литературы ● Foreign Literature Review

Д. Умарханова
“ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШИ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ 65

Д. Зияева,
ЎзР ФА Тарих институти, т.ф.д., проф.
Ж. Перемкулов,
кичик илмий ходим

ЎРТА ОСИЁ ШАҲАРЛАРИНИНГ ЭРОН ВА ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ

The article is devoted to commercial relations of Central Asia with Iran and Eastern Turkestan. There have been studied the economic policy, duty and customs tariffs of Russian Empire in Iran and Eastern Turkestan via Central Asia. The article analyses purposeful policy on a gain of the markets of Iran and East Turkestan with industrial goods of the Russian Empire, and also, process of encouragement of export of these raw production, necessary for the Russian industry. Moreover, the article analyses the dynamics of trade turnover between these countries in the conditions of domination of trade interests of Russia. The article is written on the basis of a wide range of sources and historical literature of that period.

* * *

Данная статья посвящается истории торговых отношений Центральной Азии с Ираном и Восточным Туркестаном в условиях колониализма. В ней на основе широкого круга источников освещается процесс установления торговых и экономических интересов Российской империи в таможенной политике, торговых операциях с вышеотмеченными странами. В статье освещается целенаправленная политика по завоеванию рынков Ирана и Восточного Туркестана промышленными товарами Российской империи, а также, процесс поощрения вывоза из этих стран сырьевой продукции, необходимой для русской промышленности.

* * *

Таянч иборалар: *хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, товар, савдо, пул, бозор, саноат маҳсулотлари, импорт, экспорт, бож, божхона тизими, пуд, рубл, декларация, ратификация ва х.к.*

Key words and phrases: *raw materials, half-prepared products, goods., trade, money, market, industrial output, import, export, customs, customs tariffs, pood, rubles, declaration, ratification, etc.*

Ключевые слова: *сырье, полуфабрикаты, товар, торговля, денежные средства, рынок, промышленное производство, импорт, экспорт, пошлина, таможня, пуд, рубль, декларация, ратификация и т.д.*

* * *

Ўрта Осиёнинг Эрон билан илк ўрта асрлардан ривожланиб келган савдо алоқаларида Бухоро ва Хива савдогарлари катта роль ўйнаганлар. Бухорога Эрон савдо маҳсулотлари Афғонистон орқали келтирилган. Манбаларда Ма-

шҳаддан Бухорога бўёқлар, айниқса қизил бўёқ, Афғонистон орқали кўплаб келтирилганлиги қайд этилган [13:24-варақ].

Бухородан Эронга чиқариладиган товарлар орасида эса қоракўл териси ва қоракўлча асосий ўрин эгаллаган. Бу моллар билан савдо қилиш, айниқса 1844 йилдан кейин кучайган. Шу йили Бухоро амири ўз савдогарларига инглизлар билан бўладиган савдода накд пул билан савдо қилишни тақиқлаб қўйганлиги боис, улар Бухоро қоракўл терисини эронликлар орқали сотиб олишга мажбур бўлганлар [4:170-бет].

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Эроннинг Хуросон, Сейистон ва Белужистон вилоятларига инглиз товарлари жуда кўплаб келтирилган ва улар бу ердан Ўрта Осиё шаҳарларига тарқалган. Хусусан, Эрондан Хива ва Бухорога инглиз моллари ва шу билан бирга кўп миқдорда турли хил мевалар: анор, апельсин, лимон, олхўри, писта, бодом олиб келинган [2:237-238-бетлар].

Бухоро-Эрон ўртасидаги ўзаро савдода асосий ўринни қоракўл териси, ундан кейин эса, индиго, кашмири шол рўмолар, қизил бўёқ, сариқ ип-газлама, рус чити, темирдан ясалган буюмлар, сандиқлар эгаллаган. Бухоронинг Эрон билан чегара ҳудудларида бундай товарлар инглиз ип-газламаларига, эрон гилами ва рўмолига, ярим ипак матоларга, феруза тошига, қалампирга, занжабилга, мум-сақич ва қанд-қурсга алмаштирилган [4:170-бет].

Эрон билан савдо алоқаларида катта ўрин тутиб келган Хива хонлигининг ўз сиёсий мустақиллигини йўқотиши ва минтақада Россия империяси ҳукмронлигининг ўрнатилиши боис, анъанавий савдо муносабатлари ўзгариб, мутлақо бошқача мазмун касб этиб борди. Минтақа эгалланган кейинги йилларда савдо алоқалари кескин қисқариб кетди. Бу ҳолат империя ҳукуматини ташвишлантириб қўйди. Зеро, Эрон бозорлари Россия империясининг саноат ишлаб чиқариш ҳудудларига нисбатан яқин жойлашганлиги боис, саноат маҳсулотлари экспорти учун жуда қулай эди. Эрон бозорларини эгаллаш империя сармоядорлари учун муҳим аҳамият касб этар эди. Шу боис, рус ҳукумати ва савдогарлари Эрон билан савдо-сотиқни кенг ривожлантириш учун имкон қадар имтиёзлар яратиш чораларини кўради ва бу борада ҳукумат зарур маблағларни аямай сарфлади. Энг аввало, Эрон бозорларига рус саноат маҳсулотлари имкон қадар кўпроқ киритилиб, маҳаллий харидорни бу маҳсулотларга ўргатиш сиёсати олиб борилади.

Эрон билан чегарада 4 та божхона пункти, 3 та кечув ва 7 та божхона заставаси мавжуд эди. Ўрта Осиё учун асосий савдо маркази Машҳад бўлиб, у Эроннинг бошқа ички бозорлари билан мустаҳкам алоқада эди. Туркистонда эса Ашхобод шаҳри асосий савдо пункти эди.

Каспий орти вилояти ташкил этилгандан сўнг, Эрон орқали савдо-сотиқ фаоллашди. Статистик манбаларда қайд этилишича, Эрондан 1893 йилда жами 4361000 рубль қийматидаги маҳсулотлар олиб келинган, уларнинг катта қисмини чой ташкил қилган, унинг қиймати 1615000 рублга етган [11:19-варақ].

Каспий орти темир йўлининг қурилиши ва унинг Ашхободгача етиб бориши Эрон билан савдо алоқаларини ривожлантиришга катта имконият яратди [3:89-бет].

1895 йилдан Хива хонлиги Россия бож тизимига ўтказилгач, мамлакатнинг Эрон билан савдо муносабатлари энди буткул метрополия манфаатлари асосида ташкил этила бошланди.

Ўрта Осиёдаги бутун чегара ҳудудлари бўйлаб чегара-божхона назорати ўрнатилгач, озиқ-овқат маҳсулотлари ва айрим уй-рўзғор буюмларини Каспий

орти вилоятига ва Бухорога олиб келишда бож тўловидан озод қилинди. Шунинг билан бирга, Европа ва инглиз-ҳинд товарларини Бухорога олиб келиш учун европача тариф ставкалари белгиланди. Бу рўйхатга ип-калава, индиго, кисея каби товарлар киритилган бўлиб, улар маҳаллий ички бозорларда рус савдосига катта хавф-хатар туғдирмас эди.

Савдо алоқаларини ривожлантириш, савдогарларга қулайлик яратиш мақсадида Машҳадда ҳисоб-китоб банки ташкил этилади. Эронга киритиладиган Россия товарларини имтиёзли нархларда сотишга рухсат берилади. Рус саноат маҳсулотлари – гугурт, калава иплар, газламаларни Бухоро орқали Эронга чиқариш кенг рағбатлантирилиб [3:31-бет], уларни олиб бориш учун мукофот ва имтиёзлар белгиланиши ижобий натижа беради [2:237-бет]. Россия шакари инглиз шакари билан бемалол рақобатлаша олар, керосини эса рақобатсиз сотиларди.

Эрондан Хива хонлиги ва Каспий орти вилояти орқали Россия саноати учун зарур бўлган хомашё, яъни пахта толаси, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ғалла, гуруч, жўхори, кунжут, ипак, канакунжут, катта микдорда ҳўл ва қуруқ мевалар (анор, апельсин, лимон, аччиқ апельсин, олхўри, писта, бодом, майиз) ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотларидан ипак матолар, гиламлар, намат, жундан тўқилган матолар олиб келинар эди [2:238-бет].

1901 йилга кадар Эрон билан савдо алоқалари ҳуқуқий жиҳатдан 1828 йилда имзоланган Туркманчой шартномасига биноан олиб борилган. Бунга кўра, Эрондан чиқариладиган товарлар учун 5 фоиз микдоридаги бож тўлови белгиланган эди [5:30-бет]. Ушбу тартиб XX асрнинг бошларигача амал қилиб келган. 1901 йилнинг 22 октябрида Россия билан Эрон ўртасида янги Декларация имзоланади. Мазкур Декларация Туркманчой шартномасининг 3-моддасини бекор қилган ва бундан кейин бож олишда ҳар икки томон учун ҳам бир хил тартиб-қоида ўрнатилади[1:30-бет].

Декларациянинг имзоланиши натижасида Россия Эроннинг шимоли-шарқий божхонаси устидан ўз назоратини ўрнатиб, рақобатчиларга катта зарба берди. Декларациянинг махсус актига кўра Эрон ҳукуматига рус-эрон чегарасидан бошқа чегара ҳудудларида имтиёзли тарифлар ўрнатиш тақиқ-ланган. Эрон ҳукумати мазкур декларацияда белгиланган қонунларга қарама-қарши келадиган бирор-бир халқаро шартномани Россия ҳукуматининг розилигисиз имзолаши мумкин эмас эди. Божхона ишларида Эроннинг шимоли-шарқий қисми Россияга тобе бўлиб қолди. Россия шартномани қисқа вақтда ратификация қилгач, 1903 йил 1(14) февралдан бошлаб Россия-Эрон янги Декларацияси расман кучга киради.

Россия 1901 йилги Декларациядан кейин Эронда ўзининг иқтисодий ва сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишга эришди ҳамда Англия рақобатидан ўзини муваффақиятли ҳимоя қилиб, мамлакатнинг шимоли-шарқий қисмидаги бозорларни эгаллади. Россия-Эрон божхона конвенциясининг имзоланиши Европанинг бир қатор давлатлари, хусусан, Англия ҳукмрон доираларини ташвишга солади, Англия ташқи ишлар вазири лорд Ленсдаун Отабек Аъзамга алоҳида мактуб йўллаб, ундан Эронда инглиз товарларини сотишни тақиқламасликни талаб қилган [1:34-бет]. Россия-Эрон Декларациясининг имзоланиши ва ратификация қилиниши Эроннинг савдо доиралари орасида норозилик туғдиради ва Табриз каби йирик шаҳарларнинг бозорларида норозилик намойишлари бўлиб ўтади.

Рус савдо сиёсатини яхши биладиган немис В.Витчевский уни «Нозик

дипломатик ишнинг меваси» сифатида таърифлаши бежиз эмас эди [1:35-бет]. Зеро, янги Декларация Россия савдоси учун устувор вазиятни вужудга келтирган эди.

Декларацияга кўра, Россиядан Эронга экспорт қилинадиган товарларнинг 90 фоизини ташкил этган 30 турдаги рус саноати маҳсулотларидан 8 турдагиси умуман бож тўловидан озод қилинади, 11 турдаги товарлар учун унчалик юқори бўлмаган бож тўлови белгиланади [1:32-бет].

Эрондан келтириладиган, рус саноати учун зарур бўлган пахта, жун каби хом ашёлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари - ғалла, полиз экинлари, ишлов берилган ёғочлар,.уруғлик, ёғочдан тайёрланган кўмир, зиғир, каноп каби товарлар ҳам бож тўловидан озод қилинади.

Бундай имтиёзлар натижасида XX аср бошида ўзаро алоқалар анча ривожланади. Каспий орти божхона бошқармаси хабарига кўра, 1902 йилда Эронга 24 хил маҳсулот жўнатилган, уларнинг ҳажми 1 147734 пудни, қиймати эса 4 876185 рублни ташкил қилган [7:89-бет].

1896 йилдан 1913 йилгача бўлган даврда Россиядан Эронга шакар (қанд) экспорт қилиш 649 фоизга, чинни идишлар экспорт қилиш 275 фоизга, керосин экспорти 559 фоизга, металл экспори 397 фоизга, ип-газлама экспорти эса 234 фоизга ошади [5:33-бет].

1911 йилги маълумотга кўра, Эронга Каспий орти вилояти орқали 194652 пуд шакар, 6258 пуд гугурт, 2879 пуд ипгазлама, 68664 пуд керосин ва нефть маҳсулотлари чиқарилган. Айни вақтда Эрондан жундан тўқилган матолар, жун, пахта толаси ва қуруқ мевалар олиб келинган [1:76-77-бетлар].

Ўрта Осиёнинг Шарқий Туркистон билан савдо алоқаларида катта роль ўйнаган Қўқон хонлигининг ташқи алоқаларида Қашқар билан муносабатлар катта роль ўйнаган. Қашқарнинг географик жойлашуви жуда қулай бўлиб, Фарғона, Кашмир (Ҳиндистон), Еттисув йўллари кесишган жойда жойлашган эди. Қашқарнинг аҳолиси XX аср бошида 1,5-2 миллион атрофида бўлиб, кўпчилигини уйғурлар ташкил этган [15:22-варақ]. Аҳолининг этник таркиби Фарғона аҳолисига жуда яқинлиги учун ҳам ўзаро савдо-сотиқ яхши ривожланган. Қашқардан Фарғона орқали Россияга гилам, чинни идишлар, намат (кигиз) келтирилиб, пулига рус саноати моллари, темир, қанд сотиб олинган. Фарғона водийсидаги бозорларда сотиладиган барча чет эл товарлари Қашқар орқали ўтказилган. Кейинги йилларда Қашқар орқали савдода Ҳиндистон моллари ҳам кўпая бошлаган. Қашқар транзит савдонинг марказларидан бирига айланган.

XX аср бошларида Қашқарда пахтачиликнинг ривожланиши, айниқса, Америка пахта навининг экила бошланиши савдо-сотиқ ривожига ўз таъсирини ўтказган.

Терек довони орқали Фарғонадан Қашқарга савдо йўлининг очилиши савдо алоқаларини анча фаоллаштирган. Бу ерда ҳам инглиз ва рус товарлари рақобати юзага келган. Қашқарда Россия, Хитой, Англия, Ҳиндистон товарлари тўплана бориб, бу инглиз-рус рақобатини кучайтирди.

Ана шундай шароитда Қашқар йўлининг ёпилиши рус саноати учун катта йўқотиш бўлиши, уни муҳим даромад манбаидан маҳрум қилиши мумкин эди. Қашқар орқали Россияга чиқариладиган товарларга белгиланган бож тўлови миқдорининг оширилиши оддий савдо аҳлини қийин аҳволга солиб қўйган эди. Масалан, 1 пуд пахта хомашёсидан 4 рубл бож тўлови олиниши кўпчиликка маъқул келмаган. Фарғонадан Қашқарга мол олиб борувчи маҳаллий фирма эгалари ва савдогарларнинг қарзи 3 миллион рублга етган эди [15:12-варақ].

Қашқар билан Еттисув орқали олиб бориладиган савдо алоқаларида Тошкент катта роль ўйнаган. Тошкентда савдо шартномалари тузилар, бу ердан Чугучак ва Ғулжага ҳар йили калава ип газламаси, халат, мевалар ва рус маҳсулотлари ортилган 2-3 минг туя қатнар эди. Бу шаҳарлардан Тошкентга ҳар йили 1700 туяда чой, 300-400 туяда нашатир жўнатилган. Қашқар ва Шарқий Туркистондаги бошқа шаҳарлар савдосида хитойликлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар, айниқса, чой катта ўрин тутган бўлиб, у асосий экспорт қилинувчи товар ҳисобланган.

Туркистоннинг Самарқанд, Бухоро ва Хўжанд шаҳарларидан Шарқий Туркистонга ипак ва ярим ипак матолар, беқасам, шойи, атлас, олтин зарбоф, чорвачилик ҳудудларидан эса, кўп миқдорда чорва моллари олиб кетиларди.

Ўрганилаётган даврда Шарқий Туркистон экспорт маҳсулотлари импортга нисбатан ошиб кетди. Айниқса, маҳаллий хомашёга нисбатан арзон фабрика маҳсулотларига талаб кўпроқ эди.

Савдо муносабатларидаги кейинги босқич 1882 йилда Шарқий Туркистон шаҳарларида рус элчихоналарининг ташкил этилиши билан боғлиқ эди. Қисқа вақт ичида Қашқар бозорлари рус товарларига тўлиб кетди. Мазкур савдода Фарғона водийсидан борган андижонлик савдогарлар катта роль ўйнадилар. Саноат маҳсулотларидан рус мовути, темир, қўрғошин, мис, чўяндан қилинган болталар, оёқ кийим, гугурт, қулфлар, дошқозонлар, идиштовоқ ва шамлар ҳисобига экспорт рўйхати сезиларли кенгайди. Туркистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар – ипак, адрас, шунингдек, гуруч, гўшт, нон, сабзавотлар рақобатга чидамли бўлиб, узоқ йиллардан бери экспорт қилиб келинган. Бу даврга келиб Туркистондан олиб чиқилган маҳсулотларга нисбатан олиб кирилган маҳсулотлар кўпайиб борган.

Туркистонлик савдогарлар Шарқий Туркистондаги маҳаллий аҳоли анъаналари, диди, эҳтиёжи ва истеъмол имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий бозор талабига эътибор билан ёндашганлар. Уларнинг бу хусусиятлари аҳоли талабини қўпол рад этиб, ўз маҳсулотини мажбурий сотган, маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларидан воз кечган инглиз савдогарларидан яққол фарқ қилар эди.

Маҳаллий тил, урф-одат ва талаблардан хабардор Туркистон савдогалари савдони анча сифатли ва муваффақиятли олиб борардилар. Уларнинг кўпчилиги наслий савдогарлар бўлиб, бир неча авлодлари шу ерда савдо олиб боришган. Айниқса, Андижон ва Қашқар савогарларининг авлоди ўзаро катта ишончга эга эдилар. Улар ўзига хос савдо жамоаларини тузиб, турли савдо мажбуриятлари бўйича бир-бирларини қўллаб-қувватлаб турганлар.

Минтақада Россия ҳукмронлиги ўрнатилгач, Шарқий Туркистон билан анъанавий савдо ўзгара бошлади. Шарқий Туркистондан хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар импорти ўсиб, Туркистон генерал-губернаторлигидан рус саноат маҳсулотлари экспорти кўпайди.

Савдо айланмаси Туркистон ва Еттисув божхоналари оркали амалга оширилар эди. Туркистон ўлкасига олиб кетиладиган асосий рус маҳсулотлари тарқатувчилари ва товар йиғувчи пунктлар ўрин олган Шарқий Туркистоннинг жанубидаги Қашқар ва шимолидаги Оқсу шаҳарлари муҳим савдо пунктлари эди.

Туркистон генерал-губернаторлигида бу вазифани Ўш шаҳри амалга оширарди. У ердан товарлар Тошкент, Қўқон ва Марғилонга юборилардди. Қўқон Хитой билан савдода омбор вазифасини ўтарди. Қўқонда божхона ташкил этилган бўлиб, бу ердан нафақат Фарғона водийси шаҳарла-

рига, балки Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларга хам маҳсулотлар жўнатиларди.

Рус ҳукумати Шарқий Туркистондаги бозор ва хомашё манбаини қўлга киритиш мақсадида бир қанча чораларни амалга оширади.

1881 йил 12 февралда Петербургда Россия ва Хитой ўртасида савдо муносабатлари тўғрисида шартнома имзоланади. Унга кўра, савдо алоқалари Эркаштом божхона пункти орқали олиб борилиши белгиланади [6:41-бет]. Бир пайтлар Фарғона ва Қашқарни боғлаб турган Эркаштом оркали карвонлар ҳаракати йилнинг сентябрь ойидан апрел ойигача Терек довони оркали, май ойидан октябр ойигача эса Олой водийсини айланиб ўтиш орқали (70 верстага фарқ қиларди) амалга оширилар эди. Эркаштомда божхона пункти ташкил этилганидан кейинги даврда Россия-Хитой савдоси 1889-1900 йилларда Қашқарга олиб келинган ва ундан олиб чиқилган моллар мисолида олиб қаралса, 2 маротабага ортади [6:43-44-бетлар].

Қашкардан четга чиқарилган товарлар ўз таркибига кўра хилма-хил бўлиб, уларнинг орасида Хитой қора чойи, инглиз-ҳинд кўк чойи, майда туёқли чорва териси, чарм, жун, мўйна, чинни идишлар, ўсимлик бўёғи, кумуш(қуйма), ипак-пилла, пахта хомашёси, туя тивити, гиламлар, Қашқар пойафзали, инглиз-ҳинд маржони асосий ўрин эгаллаган [6:44-45-бетлар].

1888 йилда ташкил этилган Отбоши қишлоғи савдо йўллари марказида жойлашганлиги учун Қашқар-Фарғона савдосида муҳим роль ўйнаган. 1890-1891 йилларнинг август-сентябрь ойларида Отбоши қишлоғида савдо ярмаркаси ташкил этилган. Ярмарка Қашқар билан бўладиган савдода катта роль ўйнаган, унинг бир йиллик товар айланмаси 100 минг рублдан ошиқ бўлган [14:4-варақ].

1887 йилдан бошлаб, Қашқар билан савдо-сотиқ қилишнинг назорати рус маъмурияти ихтиёрига ўтганди. Дастлаб бу назорат чегарада жойлашган Ўш шаҳрида ва Ғулжа истеҳкомида амал қила бошлаган. 1889 йилдан бошлаб Эркаштомда ҳам назорат йўлга қўйилганди. Бу ерда рус гарнизони жойлашган эди [14:42-варақ]. Жумладан, 1895 йилдан бошлаб рус саноат маҳсулотлари учун мукофотлар жорий қилинди. Янги Марғилондаги божхонада мукофотланган маҳсулотлар қайта кўрикдан ўтказилган. Икки йил ичида рус саноат маҳсулотларининг Шарқий Туркистонга экспорти 4 баравардан ошиб кетди.

1899 йилда ип-газлама матолари, пахта, шакар, гугурт ва керосин божини қайтариш жорий этилди. 1905 йилдан эса, рус саноат маҳсулотларини олиб борган савдогарлар учун мукофотлар яна оширилади.

Буларнинг барчаси Шарқий Туркистонда рус савдосининг мустаҳкамланишига сабаб бўлди. Шарқий Туркистон ташқи савдо айланмасининг катта қисми Туркистон чегарасига тўғри келар эди.

Шарқий Туркистон бозорини қўлга киритишдаги кейинги тадбир Россиядан Шарқий Туркистонга бориб келувчи темир йўл ва денгиз транспорти юкларини ташишга имтиёзли тарифларнинг киритилиши бўлди.

1900 йилда Шарқий Туркистон шаҳарларида кредит ва ҳисобот операцияларига таянган Рус - Хитой банки бўлими очилди, транспорт идоралари, саноат товарларини йиғиш ва хомашё сотиб олиш бўйича рус савдо фирмалари бўлинмалари, почта-телеграф идораси таъсис этилди.

Кўрилган чоралар натижасида Туркистон – Шинжон чегарасида товар алмашинуви кескин ошди. XIX аср ўртасида ўзаро савдо ҳажми тахминан 742 минг рублни ташкил қилган бўлса, 1899

йилга келиб Қашқардаги умумий айланма 4 298972 рублга, 1905 йилда эса, 5 889034 рублга кўтарилди.

Умуман олганда, кўриб чиқилаётган даврда Шарқий ва Ғарбий Туркистон ўртасидаги анъанавий савдо алоқаларида икки улкан давлат бўлмиш Хитой ва Россия империяси стратегик манфаатлари устувор ўрин эгаллади. Давлатлараро келишувга эришган Россия ҳукуматининг бир қанча чора тадбирлари туфайли бу алоқалар ҳуқуқий асосга эга бўлди. Россия империяси аста-секин минтақа бозорида монопол ҳукмронликка эриша борди, маҳаллий хомашё маҳсулотларини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Туркистон савдогарларининг катта тажрибаси ва воситачилигидан фойдаланиб, улар учун мукофотлар жорий қилиш, савдони ривожлантириш учун зарурий инфратузилмани яратиш орқали Россия савдо-саноат доиралари йирик маблағни қўлга киритишга, европа товарлари рақобатини синдиришга ва Ғарбий Хитой билан савдо алоқаларини кучайтиришга эришди.

Шарқий Туркистон билан олиб борилган савдо алоқаларида Фарғона вилояти муҳим ўрин тутган. 1889 йилги маълумотга кўра, Қашқарга 265 566 рублик маҳсулот чиқарилган бўлса, вилоятга шу йили 230 313 рублик товарлар олиб кирилган [9:36-37-бетлар]. Қашқардан ипак толаси, гиламлар, Хитой чинни пиёласи, жун маҳсулотлари ва бошқа товарлар кўплаб сотиб олинган. Туркистоннинг мануфактура товарлари, чўян, пўлат ва мис маҳсулотлари ҳамда шакар, турли хил оёқ кийимлари харидоргир ҳисобланган. Ўлкадан баъзи товарларни олиб чиқиш қатъий тақиқланган бўлиб, жумладан, 1878 йилдан чорва ҳайвонларини олиб ўтиш, 1880 йил 27 февралдан ун маҳсулотлари чиқаришга рухсат берилмай қўйди [2:5-бет]. Кейинги ўн йилликда ўзаро алоқалар янада ривожланиб, 1899 йили Қашқардан 770 250 рубллик маҳсулот чиқарилган бўлса, бу ерга 1 361 562 рубллик савдо моллари олиб кирилган [8:178-бет]. Шу йили 42 хил турдаги буюмлар сотилиб, 47 хил турдаги буюмлар сотиб олинган. Савдо йўллари Терек-Довон ва Толдиқ-Довон орқали амалга оширилган. 1910 йилги Фарғона вилояти ҳисоботларида қайд этилишича, шу йили водийдан Шарқий Туркистонга умумий қиймати 3 054921 рубль бўлган 123743 пуд маҳсулот жўнатилган бўлса, Фарғонага қиймати 2 425696 рубль бўлган 171903 пуд маҳсулотлар олиб келинган. 1909 йил билан солиш-тирилганда, ўзаро савдо айланмаси 45 фоизга ошганлигини кўриш мумкин [10:97-98-бетлар]. Россия империясининг Ғарбий Хитой билан савдо алоқалари Еттисув вилояти орқали ҳам анча фаол олиб борилган эди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиё шаҳарларининг Эрон ва Шарқий Туркистон билан савдо алоқалари бу даврга келиб минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатган Россия империясининг иқтисодий ва савдо манфаатлари асосида ташкил этилди. Бунда асосий урғу мазкур давлат бозорларини рус саноат маҳсулотлари бозорига айлантириш, савдо алоқаларида бу мамлакатлардан асосан хомашё олиб кетган ҳолда хорижий, айниқса европа саноат маҳсулотларини чеклаш сиёсати юритилди.

Адабиётлар

1. *Атоев Х.* Политические и торгово-экономические отношения северо-восточного Ирана и России в начале XX века (1890-1917). Ашхабад: Илым, 1989.

2. *Логофет Д.Н.* На границах Средней Азии, путевые очерки в 3-х книгах, книга 1. Русско-персидская граница. СПб.: В.Березовский, 1909.

3. *Маннанов Б.* Из истории русско-иранских отношений конца XIX - начала XX века. Ташкент, 1964.
4. *Небольсин П.И.* Очерки торговли России в Средней Азии. СПб., 1855.
5. *Ремез А.И.* Внешняя торговля Бухары до Мировой войны. Ташкент: САГУ, 1922.
6. *Федорова Н.Ф.* Обзор торгового движения с Китаем по Ферганской границе за период с 1888 по 1900 г. Новый Маргелан, 1902.
7. Обзор Закаспийской области за 1902 год. Асхобод, 1903.
8. Обзор Ферганской области за 1889 год. Новый Маргелан. 1901.
9. Обзор Ферганской области за 1889 год. Новый Маргелан. 1891.
10. Статистический обзор Ферганской области за 1910 год. Новый Маргелан. 1912.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви жамғармалари

11. ЎзР МДА, И-1 жамгарма, 27-рўйхат, 1143-йигма жилд
12. ЎзР МДА, И-1 жамгарма, 29-руйхат, 545-йигма жилд.
13. ЎзР МДА, И-3 жамгарма, I-рўйхат, 47-йигма жилд.
14. ЎзР МДА, И-10 жамгарма, I-рўйхат, 108-йигма жилд.
15. ЎзР МДА, И-276 жамгарма, I-руйхат, 892-йигма жилд.

Г. Джураева,
к.п.н., кафедра «Практическая дипломатия», УМЭД

ПЕРСПЕКТИВЫ СОТРУДНИЧЕСТВА ШОС И АСЕАН В НОВОМ СТОЛЕТИИ

Maqolada SHHT va ASEAN hozirgi bosqichdagi hamkorligining istiqbollari va imkoniyatlari, Osiyo va Evropa o'rtasidagi "xavfsizlik belbog'i" sifatida muhim mezonga aylanishi mumkinligi o'rganilgan. BMTning Bosh Assambleyasidagi kuzatuvchi maqomiga ega bo'lgan ushbu ikki tashkilotning birlashuvi, xalqaro munosabatlarda nafaqat ijobiy imidjiga, balki, ularning dunyodagi g'oyaviy umumiyligiga talabni ortib borishini ko'rsatadi. O'tkazilgan tadqiqot, SHHT va ASEAN o'rtasidagi hamkorlik ular faoliyat yuritadigan barcha sohalarda ildamlab borishi to'g'risida xulosa chiqarishga ko'maklashadi.

* * *

In the article there are discussed current opportunities and perspectives of OSC and ASEAN which will become the important link of "security belt" between Europe and Asia. The rapprochement of two organizations which have the status of observers in the UN General Assembly not only strengthens their positive international image, but also maintains the further importance of their similar ideas in the world. The conducted analysis lets us conclude that cooperation between OSC and ASEAN may develop dynamically in many spheres.

Ключевые слова:
Tayanch so'z va iboralar*: ASEAN, SHHT, regionalizm, integratsion jarayonlar, hamkorlik, tashkilot, tajriba almashinuvi.*
Keywords and expressions: *ASEAN, OSC, regionalism, integration processes, cooperation, organization, experience exchange.*

В современном мире усиление процесса интеграции, укрепление собственных возможностей и влияния в региональных и международных делах стали не только субъективной потребностью, но и объективным требованием в целях ответа на динамично трансформирующуюся международную ситуацию, возникающие новые риски и угрозы. В связи с этим возрастает роль региональных организаций, множится их число, растет конкуренция. По оценкам большинства экспертов, в новом столетии геополитическим центром и активным экономическим регионом будет Азиатско-Тихоокеанский регион (АТР), в котором проживает более 60% населения Земли [1].

Эффективным механизмом обсуждения и решения вопросов борьбы с

современными вызовами и угрозами в Юго-Восточной Азии стала Ассоциация государств Юго-Восточной Азии (АСЕАН), а также Шанхайская организация сотрудничества (ШОС). И именно им, по мнению многих экспертов, предстоит стать важными звеньями «пояса безопасности» между Европой и Азией. Как отмечал Президент И.А.Каримов, «стремительно меняющийся современный мир, а также поступательный рост влияния и авторитета Шанхайской организации сотрудничества в решении актуальных проблем современности, превращение Организации в реальный фактор обеспечения безопасности, стабильности и устойчивого развития сегодня вполне закономерно обуславливает растущее желание многих государств стать полноценными членами ШОС, вступить в число наблюдателей, а также партнеров по диалогу. И это вполне закономерный процесс» [2].

Под «пространством» АСЕАН понимается совокупность территорий десяти стран-участниц, расположенных в юго-восточной части Азии. Именно на нем сфокусированы коллективно сформулированные интересы [3]. Особенность этого пространства состоит в том, что на него приходится сердцевина евразийского континента, называемая Центральной Азией. Этот район служит центром притяжения интересов и усилий членов АСЕАН.

Через «АСЕАНовский» ареал проходят критически важные мировые морские пути между Тихим и Индийским океанами с продолжением в Атлантику и Европу. Зону ШОС можно назвать сухопутным транспортным мостом-коридором, связывающим тихоокеанский бассейн с Европой с выходом на атлантическое побережье. Несмотря на то, что АСЕАН был создан в конце 60-х годов прошлого столетия, Устав Ассоциации был принят в 2007 г., так же как и Устав ШОС. Это событие придало обеим организациям международную правосубъектность и знаменовало значимые успехи, достигнутые за годы их существования.

Когда встал вопрос о расширении ШОС, вновь внимание было обращено к АСЕАН, первоначальный состав которой в свое время был увеличен, без выхода за рамки все той же Юго-Восточной Азии. Опыт АСЕАН подтвердил необходимость эволюционного взвешенного подхода к вопросу расширения. Именно по этой причине в ШОС к пополнению рядов отнеслись достаточно осторожно, предварительно определив количественные показатели «критической массы» ядра, которую организация способна выдержать, не подвергаясь саморазрушению и не отвлекаясь от сердцевины Евразии [4]. В результате только в 2015 г. в ШОС были приняты новые члены, что усилило вероятность эффективного решения целого ряда задач регионального характера.

Вместе с тем в 2013 г. стал вопрос о включении страны участника АСЕАН, а именно Вьетнама, в ШОС – первоначально на правах наблюдателя [5]. Действительно, вступление Вьетнама позволило бы активизировать инвестиционное и иное экономическое сотрудничество, вьетнамскому бизнесу – активнее действовать на экономическом пространстве ШОС, включая Россию и страны Центральной Азии.

ШОС уже смогла привлечь внешних партнеров разного формата, и их число сопоставимо с тем, что АСЕАН приобрела за 45 лет своего существования [6]. «За прошедший по историческим меркам короткий срок ШОС не только сумела доказать свою жизнеспособность, но и утвердилась в мировой политике в качестве международного форума по решению целого комплекса региональных проблем: от политики и безопас-

ности до вопросов экономического и гуманитарного сотрудничества» [7], – подчеркнул Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов.

По мнению экспертов, перспективность развития сотрудничества между ШОС и АСЕАН объясняется тем, что эти организации придерживаются единых позиций по многим региональным и глобальным проблемам, что можно проследить по нижеприведенному сопоставлению.

Организация	Цель и задачи
Ассоциация государств Юго-Восточной Азии	Поддержание мира, безопасности и стабильности в регионе; усиление сотрудничества в сферах политики, безопасности, экономики и социальной культуры; обеспечение мирного сосуществования стран-членов, сохранение безъядерного статуса Юго-Восточной Азии; сокращение разницы между всеми членами и осуществление равномерной гармонии и устойчивого развития. Вопросы борьбы с терроризмом и обеспечение энергетического диалога.[8]
Шанхайская организация сотрудничества	Развитие всестороннего сотрудничества в целях поддержания и укрепления мира, безопасности и стабильности в регионе, поощрение эффективного регионального сотрудничества в политической, торгово-экономической, оборонной, правоохранительной, природоохранной, культурной, научно-технической, образовательной, энергетической, транспортной, транзитной, кредитно-финансовой и других областях, представляющих общий интерес. Борьба с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом.

Как отмечал специальный представитель президента Российской Федерации по делам ШОС В.Я.Воробьев, при создании ШОС примером для ориентирования была выбрана АСЕАН, которая очень импонировала своей философией и устройством. В свою очередь, когда АСЕАН стала прорабатывать свой устав, она взяла готовые документы ШОС. Между организациями налажен взаимный учет. В АСЕАН накоплен большой опыт в сфере безопасности и превентивной дипломатии – все это можно позаимствовать для решения проблем, связанных с Афганистаном [9].

Обе организации не являются военно-политическими союзами, не имеют инструментов принуждения. Независимо от размеров и мощи, все участники как в АСЕАН, так и в ШОС равноправны, одинаково подчиняются правилу общего согласия (консенсуса) при принятии важнейших решений. Обе многопрофильные организации, будучи социально ориентированными, много работают над тем, как адекватно сопрягать приоритеты задач внутреннего развития с необходимостью постоянного реагирования на изменчивый поток внешних вызовов и угроз. Учитывая современное развитие ситуации, обе структуры, кроме схожих для них целей и задач в военно-политическом, экономическом, экологическом и гуманитарном измерениях, имеют и другие объединяющие черты: юридический статус международных организаций, наличие подписных уставных документов, политических договоров о дружбе и сотрудничестве. Страны-члены ШОС и АСЕАН

связывают географическая близость, общие интересы в АТР, но не только география естественным образом сближает ШОС и АСЕАН. Несмотря на «возрастную разницу», у обоих объединений уже есть большие шлейфы партнеров по диалогу и наблюдателей, среди которых – самые крупные и влиятельные страны современного мира [10]. Участники обеих организаций заинтересованы в укреплении мира и стабильности в «зонах деятельности», налаживании взаимовыгодного сотрудничества в таких областях, как экономика, транспорт, культура, туризм. Развитию взаимодействия ШОС и АСЕАН способствует и налаживание инвестиционного и финансового сотрудничества, установление информационного обмена по вопросам преодоления последствий глобальной рецессии, а также контакты между представителями деловых кругов и осуществление совместных проектов. Для ШОС интересен широкий и разнообразный арсенал форм, приемов и механизмов взаимодействия в рамках Ассоциации. АСЕАН, имеющая 45-летний опыт работы, могла бы дать много позитивного для такой относительно молодой структуры, как ШОС [11].

По прогнозам МВФ, ШОС и АСЕАН будут лидерами по росту ВВП в ближайшие годы [12], на наш взгляд это еще одна общая черта этих двух организаций.

Темпы роста ВВП (%)

ВВП, процентное изменение, постоянные цены



Сотрудничество ШОС – АСЕАН осуществляется в рамках обмена информацией и опытом, проведения консультаций экспертов. 21 апреля 2005 г. между секретариатами ШОС и АСЕАН был подписан Меморандум о взаимопонимании, в котором были определены основные направления сотрудничества и взаимодействия сторон в таких сферах, как экономика, финансы, туризм, охрана окружающей среды, использование природных ресурсов, социальное развитие, сотрудничество в области энергетики, вопросы, связанные с борьбой с транснациональной преступностью и другие. Несомненно, в условиях глобализации принятие данного документа открыло новые возможности для расширения и углубления взаимовыгодного сотруд-ничества между двумя институтами в интересах государств-членов ШОС и АСЕАН. В но-

ябре 2007 г. было принято решение разработать План практической реализации Меморандума для выработки конкретных форм, методов и механизмов взаимодействия. В ноябре 2008 г. в Пекине состоялась встреча генеральных секретарей ШОС и АСЕАН, в ходе которой было подтверждено обоюдное намерение поддерживать регулярные контакты на основе принятого ранее меморандума.

Однако, с учетом того, что принятое в 2007 г. решение разработать План практической реализации Меморандума все еще не выполнено, можно согласиться с мнением российского исследователя С.Лузянина, что подписанный в своё время Меморандум о сотрудничестве ШОС и АСЕАН пока работает слабо [13].

Следует отметить, что одним из ключевых направлений ШОС – АСЕАН является сотрудничество в области обеспечения региональной безопасности. Как известно, АСЕАН выступает в качестве эффективного механизма обсуждения и решения вопросов по борьбе с современными вызовами и угрозами в Юго-Восточной Азии. В свою очередь, ШОС имеет большое значение для строительства системы коллективной безопасности в Азиатско-Тихоокеанском регионе. С учетом того, что борьба с терроризмом, радикальным экстремизмом, сепаратизмом, наркотрафиком и организованной преступностью имеет не только региональное, но и глобальное значение, совместное противодействие терроризму и экстремизму во всех их проявлениях полностью соответствует «широкому профилю» сотрудничества ШОС и АСЕАН. Сотрудничество можно было бы начать с совместной разработки правовых принципов или кодекса взаимодействия в борьбе с терроризмом. Такое сотрудничество позволило бы избежать формирования альтернативных структур и узких форматов, которые, по мнению ряда экспертов, вряд ли могут быть результативны [14].

Реализуемые в АСЕАН масштабные задачи создания к 2015 г. трех сообществ – политики и безопасности, экономического и социально-культурного, несомненно, должны быть интересны для ШОС, как и Генеральный план взаимосвязанности АСЕАН, одобренный в 2010 г. и направленный на развитие транспортной и информационно-коммуникационной инфраструктуры Ассоциации. Для АСЕАН могут быть интересными некоторые практические проекты, реализуемые в ШОС, в том числе вместе с ЭСКАТО. Наряду с другими интеграционными объединениями ШОС рассматривается в качестве важного звена в системе многостороннего сотрудничества.

Вместе с тем у этих двух организаций есть принципиальные различия. Например, созданию ШОС предшествовал процесс решения пограничных и территориальных вопросов между теми игроками, которые впоследствии и сформировали Шанхайскую организацию сотрудничества. В отличие от ШОС, стратегия АСЕАН строилась на других принципах. По мнению Е.В.Колдуновой, основной, но, естественно, не вполне открыто декларируемой целью этой организации, конечно же, была задача поддержания своего промежуточного положения между разными крупными региональными и нерегиональными державами с целью не допустить конфликта между ними. Поэтому многие конфликтные ситуации между самими участниками ассоциации часто воспринимались как второстепенные, они “замораживались” на фоне других крупных международных проблем в регионе. И, по сути, оказалось, что они стали выходить на передний план, только когда механизм коллективного дей-

ствия стран АСЕАН в отношении внерегиональных игроков в общем и целом сформировался [15]. В результате проявились неразрешенные территориальные споры между самими странами АСЕАН. Проблема Южно-Китайского моря вновь обрела невиданную актуальность, хотя, казалось бы, был выработан кодекс поведения и достигнут консенсус [16]. Но вмешательство внешних игроков стало нарушать этот хрупкий, как оказалось, баланс. Между странами Юго-Восточной Азии, как и когда-то между странами Центральной Азии, Китаем и Россией, существуют неразрешенные проблемы границ. И в этом плане регион Центральной Азии даже в чем-то, может быть, исторически обогнал Юго-Восточную Азию, потому что в основном решил эти проблемы до того, как создать институционально оформленную организацию.

Формирование общей для всех, неделимой безопасности через взаимопонимание, взаимоуважение и взаимное сотрудничество во многом представляет собой проекцию фундаментальных элементов философии, изначально присущей АСЕАН и ШОС. Сближение двух организаций, имеющих статус наблюдателей при Генассамблее ООН, не только укрепляет их позитивный международный имидж, но и способствует еще большей востребованности в мире их совпадающего идейного багажа [17].

Исходя из вышесказанного, можно прийти к следующим выводам. АСЕАН и ШОС сближает то, что обе организации свою деятельность осуществляют, не покушаясь на разнообразие культурных, религиозных и ценностных ориентаций народов входящих в них стран. Можно отметить, что существуют много общего в повестке дня ШОС и АСЕАНовского регионального форума. Обе структуры выиграют от налаживания диалога, от скорейшего подключения ШОС к работе форума. Сотрудничество между ШОС и АСЕАН может развиваться по следующим направлениям: налаживание инвестиционного и финансового сотрудничества; установление информационного обмена по вопросам преодоления последствий глобальной рецессии; контакты между представителями деловых кругов и осуществление совместных проектов.

За годы своего существования АСЕАН прошла через ряд сложных периодов преобразований, в том числе расширения своего первоначального состава. Сегодня АСЕАН выступает в роли ведущего фактора интеграционных процессов в АТР. Многие свойства и качества АСЕАН могут послужить достойным и полезным примером для ШОС, которая вступает в этап интенсификации своего развития. Каждая из организаций может дополнять другую без ущерба для своей самостоятельности, самодостаточности и специфики.

Литература

1. *Байков А. А.* Сравнительная интеграция. Практика и модели интеграции в зарубежной Европе и Тихоокеанской Азии / Отв. ред. А. Д. Богатуров. – М.: НОФМО-Аспект Пресс, 2012.

2. *Каримов И.А.* Выступление на Саммите ШОС. Уфа, 2015 // http://www.press-service.uz/ru/news/5146/

3. *Kivimaki T.* Power, Interest of Culture – is There a Paradigm That Explains ASEANs Political Role Best? // The Pacific Review. Vol.21 – Japan, 2008, №4. P.10-23.

4. *Воробьев В.Я.*Как вывести самую перспективную организацию Евразии на новый уровень// Россия в глобальной политике, 2012, №1.

5. *Лузянин С.* ШОС может шагнуть в Юго-Восточную Азию. // 21.02.2013 12:14http://www.ifes-ras.ru/massmedia/21/662-shos-mozhet-shagnut-v-yugo-vostochnuyu-aziyu

6. *Воробьев В.Я.*Как вывести самую перспективную организацию Евразии на новый уровень// Россия в глобальной политике, 2012, №1

7. *Каримов И.А.* Выступление на Саммите ШОС. Астана, 14-15 июня 2011 г./ / http://www.press-service.uz/ru/news/1035/

8. См. Austria, Myrna S. ASEAN Free Trade Area: Lessons and Challenges. Manila Bulletin, October 17, 2003, Бангкокская декларация 1967 года // Международные экономические организации: Справочник / Составитель: Х.А. Шреплер. М.: Международные отношения, 1999. С. 35.

9. *Воробьев В.Я.*Как вывести самую перспективную организацию Евразии на новый уровень// Россия в глобальной политике, 2012, №1

10. *Ермекбаев Н.* АСЕАН и ШОС: возможности и перспективы взаимодействия// http://www.infoshos.ru/ru/?idn=1236

11. *Колдунова Е.В.* ШОС и АСЕАН: нормативный опыт // Стратегия России. 2012, №2(98). С. 33-35.

12. База данных МВФ World Economic Outlook, апрель 2015 г.

13. *Лузянин С.* Реальным «окном» в АСЕАН как для России, так и для ШОС в целом мог бы стать Вьетнам //http://to-ros.info/?p=1044.

14. ШОС и АСЕАН намерены сотрудничать в борьбе с терроризмом. // http://antiterror.ru/text/library/smi/156622819.html.

15. *Колдунова Е.В.* ШОС и АСЕАН: нормативный опыт// Стратегия России. 2012, №2(98). С. 33-35.

16. Sato Koichi. The ASEAN Regime: Development and Challenges of the ASEAN Foreign Policies. – Tokyo: Keiso Shobo, 2003.

17. *Воробьев В.* АСЕАН и Шанхайская организация сотрудничества – схожие традиции и задачи // http://indonesia.mid.ru/documents/1685590/0/pub1.pdf.

A. Abdullayev,
Senior Research Fellow, PhD student
Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

ANALYSIS OF THE INTERNATIONAL RELATIONS OF THE MIDDLE EAST FROM STRUCTURALISM PERSPECTIVE

Данная статья использует теорию структурализма разработанного Йоханом Галтунгом для анализа международных отношений Ближнего Востока. В этой связи, статья изучает международные отношения региона из точки зрения «центра» и «периферии». После теоретической базы, статья анализирует соответствующие исторические события, начиная с Османской империи до современности, включая войну с терроризмом возглавляемым США. Одним из ключевых аргументов статьи является, что империалистическая политика по-прежнему существует, и западные правительства строго контролируют формирование международных отношений на Ближнем Востоке, потому что отношения между современными государствами, расположенными в регионе напрямую влияют на жизненные интересы западных стран, включая доступ к ресурсам и транспортных маршрутов.

* * *

Ушбу мақола Яқин Шарқ халқаро муносабатларини тахлил қилиш учун Ёхан Галтунг тамонидан ишлаб чиқилган тизим назариясига мурожаат қилади. Шу сабабдан, минтақадаги муносабатларни ўрганишда «марказ» ҳамда «периферия» нуқтаи назаридан фойдаланади. Мақолада аввал ушбу назария ҳақида маълумот берилгандан сўнг, келтирилган фикрларни қўллаб қувватлаш учун тарихий, хусусан Усмонийлар империясидан бошлаб АҚШ бошчилигида олиб борилган терроризмга қарши курашгача бўлган тегишли воқеликлардан мисоллар келтирилади. Мақоланинг асосий хулосаларидан бири шундан иборатки, мустамлакачилик сиёсати халигача мавжуд бўлиб, замонавий Ғарб давлатлари Яқин Шарқ халқаро муносабатларининг шаклланишини беъвосита назорат қилади, чунки минтақадаги тенденциялар Ғарб давлатларининг ҳаётий манфаатларига жумладан ресурс ва транспорт йўлларига таъсир қилади.

Key words: *International Relations, Middle East, Imperialism, Centre Periphery approach, Post-cold war*

Ключевые слова: *международные отношения, Ближний Восток, Империализм, Центр Периферия подход, пост-холодной войны*

Калит сўзлар: *Халқаро муносабатлар, Яқин Шарқ, мустамлакачилик, марказ периферия ёндашуви*

The Middle East, situated at the crossroads of three continents, not only contributed civilizations with three religions but also has been vital to the international economy because of its vast energy resources and cotton production. The discovery of large petroleum deposits in early twentieth century lead many Western, industrial countries to engage with this particular region. However, the region has been one of the most unstable regions within international system and economies of modern Middle Eastern states remain weak in comparison to those of Western countries. The structuralists, inspired by the works of Karl Marx, believe that the imperialist policies undertaken by capitalist countries are the key causes for this inequality. According to them, developed countries exploit weak states and the latter states have no other option than providing industrial ones with primary products and cheap labour [1]. Therefore, the international relations of the Middle East was primarily shaped by imperialist perspective and utilization of the resources and exploitation of Middle Eastern states should have become much easier for capitalist governments as the main advocate of alternative system had collapsed in 1991.[1] At the same time essay does not question the reasons for domination and for certain extend agrees with the concept that argues imperialism is built into capitalism and it is natural for capitalist nations to increase their profit by domination within territories of other countries by utilizing markets as well as natural resources.

Structural theory of Imperialism

At this stage, it is necessary to overview theoretical basis of the essay and briefly discussion of the structural theory of imperialism will play a crucial role in supporting our main argument. According to Galtung, «The world consists of Center and Periphery nations; and each nation, in turn, has its centers and periphery [2].» In analysis of imperialism, inequality between and within nations is in the essence of Galtungs approach. The essay admits the fact that there are different definitions to the term 'imperialism'. Early definition to this term was given by John Hobson in his prominent work *Imperialism a Study,* 1902. He defines imperialism «as the endeavour of the great controllers of industry to broaden the channel for the flow of their surplus wealth by seeking foreign markets and foreign investments to take off the goods and capital they cannot sell or use at home.» Hobson continues and argues that imperialism «is a natural product of economic pressures of a sudden advance of capitalism which cannot find occupation at home and needs foreign market for goods and investment [3].» In his book, *Imperialism, the Highest Stage of Capitalism*, Lenin supports the main argument of Hobson. This essay will refer to the complex definition of imperialism given by Galtung who has further stated Lenin. Therefore, «imperialism is a relation between a Center and a Periphery nation so that (1) there is harmony of interest between the center in the Center nation and the center in the Periphery nation, (2) there is more disharmony of interest within the Periphery nation than within the Center nations, (3) there is disharmony of interest between the periphery in the Center nation and the periphery in the Periphery nation.»[2] Therefore

[1] One of the founding father of the USSR, Nicolai Lenin was the prominent critic of imperialist, capitalist system and he mainly advocated for communism. According to communists, capitalism was imperialistic and feed aggression. For detailed analysis of ideologies see Daniel Kruger, 'Hobson, Lenin, and Schumpeter on Imperialism'. Journal of the History of Ideas, Vol. 16, No. 2. (Apr., 1955), pp. 252-259.

[2] By harmony of interest Galtung means that there is no conflict and vice versa if there is disharmony of interest there is a conflict, see Galtung, 'A Structural Theory' pp. 82-83.

the there is a center within periphery nation which is regarded to be an elite and usually they are the clients of the center and serve as bridgehead. To sum up the definitions on imperialism, Galtung argues that the idea of imperialism is «one way of in which one nation may dominate another.»[1]

Galtung's structural imperialism theory takes into consideration number of aspects in inter-party relations. In particular, he pays significant attention to the living conditions to the 'true interests of parties' involved in imperialism and analyses the relations in accordance with their *living conditions*. He says that the quality of life in terms of income, standard of living and notions of autonomy plays a crucial role in understanding imperialism and the gap between parties living conditions illustrate the interaction of four parties. He writes about two mechanisms of imperialism; vertical and feudal interaction structure. According to him, vertical interaction relations is the main mechanism that causes inequality between centre and periphery and feudal one maintains and feeds the fire of this inequality. These mechanisms are generated in exchange of goods; periphery exports primary goods and center exports manufactured goods. In this structure of imperialism, Galtung notes the importance of interactions between parties and argues that there is high level of interaction among center nations and medium between center and periphery nation and low among periphery nations. In addition, depending on the type of exchange between center and periphery, Galtung identifies political, military, economic, communication and cultural types of imperialism. At the same time, he mainly analyses from economic imperialism and mentions the dependency of the periphery on the center as a consequence of interaction.[2]

Perhaps above mentioned five types of imperialism needs more clarification. As it was stated political, economic, military, communication and cultural imperialism exist due to different types of exchange between parties. Galtung lists some of the 'products' that center as well as periphery nation provides in accordance to each sector. As said by Galtung, center nation provides processing, means of production in economic imperialism; decision and models in political imperialism; protection and means of destruction in military imperialism; news and means of communication in communication imperialism; teaching and means of creation-autonomy in cultural imperialism. In regard to periphery nations he says that they provide raw materials and markets in economic imperialism; obedience and imitation in political imperialism; discipline and traditional hardware in military imperialism; events, passengers and goods in communication imperialism; learning, validation-dependence in cultural imperialism.[3]

Another aspect of structural imperialism according to Galtung is phases of imperialism. This part is particularly relevant to our research because it opposes viewpoint of those who claim for the end of empires and start of globalization era. In this regard, it is worth mentioning the article written by Ronald Chilcote, *Globalization or Imperialism,* where he compares and contrasts theories of imperialism, dependency and globalization and concludes that world had returned back to imperialism [4]. Galtung identifies three phases of imperialism and argues that the «precise nature of that preceding phase can best be seen by distinguishing between three phases of

[1] By harmony of interest Galtung means that there is no conflict and vice versa if there is disharmony of interest there is a conflict, see Galtung, 'A Structural Theory' 94.

[2] Ibid. pp. 84-94.

[3] Galtung draws a table and demonstrates interexchange between center and periphery nation in five types of imperialism, see Galtung, 'A Structural Theory', p. 92.

imperialism in history, depending on what type of concrete method the center in the Center has used to establish the harmony of interest between itself and the center in the Periphery.» According to him the first phase is colonialism and it was about *occupation* and elite of periphery nation consists of elite of the center who engage in occupation process. The second phase is called neo-colonialism and is in the form of *organization*. In this phase, the elite of the center interacts with elite of periphery via international organizations. Galtung calls third phase as neo-neo-colonialism and its form is *communication.* In this phase the elite of the center interacts with elite of periphery via how what we today call video-conference. It is important to note that Galtung had published his article back in 1971 and the world had significantly changed in terms of international relations and communication technologies. This point leads to another argument of Galtung where he states that center nation grips the elite of periphery nation in all phases but the nature of this hold over «should be seen relative to the means of transportation and communication.» Therefore, the means of transportation and communication between dominating nation and periphery is vital in analysis of the imperialism [5]. I briefly addressed theoretical basis of the essay until this stage and in the next stage of the essay, I will discuss impact of imperialism to the international relations of the Middle East.

Imperialism in the Middle East

This essay admits the existence of different viewpoints in defining the term *Middle East*. World known industry, International Air Transport Association (IATA) for instance uses widely accepted definition and includes territories of modern states of Bahrain, Egypt, Iran, Iraq, Israel, Jordan, Kuwait, Lebanon, Palestinian Territory, Oman, Qatar, Saudi Arabia, Sudan, Syrian Arab Republic, United Arab Emirates and Yemen [6]. There are some scholars who widen the region to the West of China which would also include five states of former Soviet Union: Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Turkmenistan and Uzbekistan. However, this essay only adds to this list of the IATA the states of the North African states of Algeria, Libya, Morocco, and Tunisia, plus Afghanistan, Pakistan, the Sudan and Turkey. This is because the essay takes into consideration of history, culture and economic conditions especially in comparison to developed countries of the West. The state formation as well as international relations of our Middle East for certain extend reflect the impact of imperialism.

The most of the territories of the states in modern Middle East used to belong to Ottoman Empire before the Western penetration of the region and existed as a single unit from 1299 to 1922 [7]. Raymond Hinnebusch who had thoroughly analyzed core-periphery relations of the Middle East notes that the Ottoman Empire was ruled by Sultan-Caliph and his governance «was legitimated by the implementation of the Islamic law [8].» According to Hinnebusch, that state was universalistic and it was reflected in Greeks being prominent in the bureaucracy, Mamluks of Christian origins served in top military and political positions, and Arabs were linking state and society in provinces. The west European countries start intervention to the region by economic means. This is especially true for «semi-independent Egypt where the Muhammed Ali dynasty's debt led to British and French control over Egyptian finances and eventually the British occupation of the country [9].» This probably fits to economic imperialism of the Galtung's theory of structuralism when one type of imperialism *converts* into other [10]. Officially, the British military intervention to Ottoman Empire had started on 5 November 1914 by the signature of the King George and battle ships arrived to the Shatt al-Arab of modern Iraq

[11]. British government had successfully established a new country with loyal elite in 1921 but lost total control over Iraq when Abd al Karim Qassem led coup overthrew the Hashemite monarchy in 1958 [12].

This, for certain extend, supports Galtung's argument that the imperialism is not only about the relation between the elites of periphery and core. One of the criteria in imperialism is the attitude of the periphery of both the core as well as the periphery nation. Before the West intervened, the periphery of Middle Eastern state had lengthy experience with the Europeans argues Rashid Khalidi. He says there were positive and negative aspects of this experience and in regard to positive, local inhabitants and especially middle class associated the West for technological, scientific, educational, cultural achievements and the liberal values, military and governmental efficiency of the West was highly appreciated by locals. However, negative aspect of the experience came after occupation of the territories of the Middle East and imperialistic policies of the European powers [13].

As in Iraq, other states were established in the Middle East, the borders of which were mainly drawn by European powers which fragmented the Middle East and the political elites were installed «from the new upper classes wavered between collaboration with imperialist power and leading independence movements against it.» The most notable issue of the territory which many believe that was not taken into considerations in demarcation of the Middle Eastern states is the Kurd issue. Iran, Iraq and especially Turkey were challenged because of this factor. However, the issue of Kurds in Middle East is probably one of the last issues that the imperialism faces, but one should not underestimate the potential of concentration of Kurds in certain territory might give chance for the imperialist to play the card of 'divide and rule.'

As the gap between periphery and center within periphery nations increased, there were number of military coups in the Middle East between 1945 and 1967. According to Hinnebusch, there were three «exceptional concentrations of Western interests» in the Middle East: oil, transit routes and the protection of the state of Israel [14]. This argument precisely sums up the hypothesis of the essay and as stated in the introduction part structural theory of imperialism is suitable to the analysis of the international relations of the Middle East. Therefore, relations of the states in this region will be carefully analysed by the powers outside the boundaries of this region because their vital interests are located in this territory. These interests can be justified if one looks at them from the capitalism perspective which is built in Western economies.

According to Slugget, the Middle East was less affected region among the Third World from the Cold War. More specifically, there were not many movements that support communism and the casualties from Arab-Israeli conflict were much less than in the conflicts of Korea or Vietnam for instance. In addition, Soviet Union was not posing direct threat to the Western Worlds interest in the Middle East because it was not an importer but the exporter of natural resources. However, as Slugget states the region kept «*de facto* colonial status» despite Gamal Abd al-Nasser of Egypt, Hafiz al-Asad of Syria and Saddam Hussein of Iraq had attempted to manipulate the tension between the USSR and the USA [15]. It is worth noting the attempts of these leaders had significantly pushed the Western domination of the region back and Gamal Abd al-Nasser's attempt to create relatively autonomous system with its Pan-Arab policy was a challenge for imperialism. Syria joining Egypt was probably notable pace in this regard but the Abd al-Karim Qasim of Iraq had questioned the Nasser leadership of

this upcoming union and therefore the idea of creating single Pan-Arab state that could significantly eliminate the Western imperialism had failed.

Perhaps, the most important challenge to the imperialism came in 1973 when the oil producer countries agreed to raise the price for the crude oil. This was the turning point for Western countries to revise their policies against the Middle East and to add economic issues to the list of security issues such as nuclear arsenals of military issue. According to Barry Buzan, this period started the broadening of the security agenda from military and political to economic, environmental and later to societal sectors [16].

In general, criteria and mechanisms of imperialism continued to exist in most Middle Eastern states despite the fact that they were declared as independent states as a result of decolonization. It is important to note that imperialism in Middle East varies from one country to another and the core-periphery relations in this essay are rather generalized. At the same time, the Cold War period had created states which radically opposed the Western powers in the Middle East and this is the case for the most of the republics whose leaders came to power by military coups. On the other hand, the elite of the most oil producing countries of the Middle East, monarchies remained to be loyal to the West and the gap between elite and the periphery of periphery was rising significantly. This however is not true for Iraq and Iran which had fought against each other from 1980 to 1988. The leaders of these countries have conducted internal and external policies that does not correspond to the will of the most the core state. The mechanisms of imperialism used especially by the United States in the region reflected its imperialistic nature. This is especially true for the case of White Revolution in Iran. The United States and Britain had created a coup that led the Reza Pahlavi to remove democratically elected Prime Minister of Iran Mohammed Mossadeq from his office because he was against of imperialist powers and attempted to nationalize Iranian oil sector which was dominated and exploited by Anglo-Iranian Oil Company which is today known as British Petroleum [17]. To conclude, the influence of Western imperialism had existed in Middle East during the Cold War but in different types.

As we mentioned in the theoretical part of the essay five types of imperialism were identified by Galtung: political, military, economic, communication and cultural. Even though nationalist governments established after coups in the Middle East had eliminated military or political imperialism of the West, they were partly penetrated by other types of imperialism. I do not argue that it was due to their will but the fact is that they were providing the West with cheap energy resources as well as agricultural products [18] and importing manufactured products. According to statistics, before World War II the United States controlled 15 per cent and Britain 70 per cent of Middle Eastern oil and in early 1950's Britain controlled 30 per cent while the United States got 60 per cent [19]. Again, the significant shift in this statistics were made after 1973 crisis and OPEC member states gained control over most of the oil produced in the Middle East [20]. This shift and the oil boom in 1980's had reflected in the gap between core and the periphery nations on their gross domestic products (GDP) which Galtung uses as the main indicator of the inequality. Oil rent has been successfully maintaining the economies of producing states and the elite of these periphery nations have utilized revenues in a way that most of the Gulf States are catching up with European states in numbers of GDP per capita nowadays [21]. For instance, while United Arab Emirates (27.700) and Kuwait (26,020) are little behind to United States (42,000) and United Kingdom (37,023), Qatar (43,113) is in bet-

ter position in regard to GDP per capita [22]. Theoretically, it perhaps be realistic to conclude that high economic performances of periphery does not jeopardize the interests of core but demonstrate the efficient level of imperialism where the communication as well as transportation means are properly set between center and periphery. There is another factor of imperialism which Galtung notes in his article, all three states mentioned above have easy access to sea which enables effective exchange of goods between parties.

Post Cold War Imperialism in the Middle East

The United States perhaps saw a threat to their interests when the Iraqi leader gained power and invaded Kuwait back in 1990. And this threat was countered by Desert Shield which originally supposed to not use military force but to Iraq retreat from Kuwait. The question is what was threatened? As Robert Hunter writes the shield was built up for the protection of Saudi Arabia [23]. In the words of Galtung it would probably sound like center protecting the center of the periphery. The United States needed to maintain existing relationship with Saudi Arabia in harmony due to it was not challenged while consuming latter states cheap oil resources. On the contrary to the fact of peaceful relations between core and periphery, one can easily mention Iraq, Syria and of course Iran. Both of these states have been challenging the West in general, the United States and United Kingdom in particular. After the revolution in 1979, Iranians kept American hostages and deteriorated the relations. Since then the relations had worsened as the United States kept Iranian busy by sanctions and avoided them to interact with other developed countries. Beside sanctions, the United States had blamed Iran for not following the rules that they had agreed on proliferation of the Weapons of Mass Destruction (WMD). This issue was also used as *casus belli* in American War on Terror and its invasion of Iraq together with limited number of allies. This invasion had underlined hegemony status of the United States not only in the Middle East but also in world politics [24].

September 11 events of 2001 demonstrated a challenge to the unique superpower which enjoys 30 percent of world GDP with its less than 5 percent world's population. It did not take for the United State government to respond. The 9/11 Commission quickly identified «the threat specifically posed by Islamist terrorism» and the United States first overthrew Taliban from Afghan government and then Saddam Hussein from Iraq [25]. In fact, no one doubts the superiority of the American military as well as economic potential. As it was noted, the invasion of Iraq in 2003 had underlined the hegemony of the United States not only in Middle East but also in whole world. Hinnebush also quotes Schwenninger who points out that there is a contradiction in the US foreign policy in the Middle East, it wants to support Israel and at the same time wants to control world oil markets [26]. From international security perspective, the war in Iraq has proven that the external dimension of the threat in Third World countries still exist despite the fact that the many regimes in weak states perceive threats from within [27].

Perhaps there is not much new to the structural imperialism theory in 2003 Iraq invasion of the United States. In fact, it can be considered as the first phase of imperialism, occupation of the country which had fought against imperialism decades earlier. The same mechanism has been used by the occupants of the territory, implanting new elite who is much loyal than overthrown one. What would perhaps unique in this interaction of the United States with Iraqi government is that it will or have already shifted to the third phase by skipping the second phase of imperialism mentioned by Galtung. This is due to modern

communication and transportation technology available in the hands of the United States. The last but not the least point from the United States invasion of the Iraq is the core periphery relation within the United States and the attitude of other imperialist states towards Iraq invasion which most find to be illegal. The harmony within these parties was destructed by the actions of the United States elite and the gap has been increasing since the insurgency has not been overcome yet.

Another relevant issue to the structural imperialism theory is also took place in Lebanon during 2007. The periphery of this country has been protesting against the government which was installed by the imperialist powers after the speech of Hezbollah leader Hasan Nasrollah. There are several reasons can be counted in this case and one of them is that the center of the Lebanon was divided into different sides might be one case. In addition, the Lebanon is not a rentier state and the gap between periphery and elite of the Lebanon can stands for itself which may again bring to argument of Galtung's inequality case as another factor of destabilization. The most visible version of the imperialism in this case can be read through mean of communication, mass media. Some media put Nasrollah as extremist while some present him as a leader of resistance. The same applies for the whole demonstration. Some newspapers discuss it as pro-Syrian and supported by Iran some argue that the demonstration is about the getting rid of illegitimate government which does not represent the Lebanese people [28].

Conclusion

The structural theory of imperialism developed by Johan Galtung back in 1971 remains one of the durable approaches in international relations that is capable of explaining contemporary world issues despite many believed that the world has significantly changed. Imperialism exploits periphery nations in the face of capitalism and breeds more inequality. This inequality is not necessarily reflected in the elite or the center of the periphery who are installed by the imperialist powers. This approach is especially useful in understanding international relations of the Middle East as the region encompasses the vast energy resources which is vital to the economies of the contemporary imperialist nations. The United States and United Kingdom are among those states the economies of which are built in capitalism that requires utilization of all opportunities. Therefore, oil and transport routes of the Middle East remain top security issues of these two states and any attempt that jeopardizes access to resources will be addressed by extraordinary measures. The last example of such measures was taken in Iraq where the Saddam Hussein's regime perceived to be the threat. In future, it would be interesting to see how new emerging non-western China will engage in the Middle East to satisfy its increasing demand for hydrocarbon, where the significant part of the resources are dominated by the United States while the former anti-imperialist as well as balancing power of Russian Federation more and more becomes determined to turn to capitalism.

Literature

1. Raymond Hinnebusch, The International Politics of the Middle East, (Manchester: Manchester University Press, 2003), p. 12

2. Johan Galtung, 'A Structural Theory of Imperialism', Journal of Peace Research, Vol. 8, No.2. (1971), p. 81

3. See Daniel Kruger, 'Hobson, Lenin, and Schumpeter on Imperialism'. Journal of the History of Ideas, Vol. 16, No. 2. (Apr., 1955), p. 253

4. See Ronald Chilcote, 'Globalization or Imperialism?', Latin American Perspectives, Vol. 29, No. 6, Globalization and Globalism in Latin America and the Caribbean. (Nov., 2002), pp. 80-84

5. Galtung, 'A Structural Theory', p. 94

6. Middle East states according to the IATA, available at http://www.iata.org/ps/services/cargois/middle_east.htm

7. For detailed information about Ottoman Empire's territories during its collapse, see Alan Palmer, The Decline and Fall of the Ottoman Empire, (London: J. Murray, 1992)

8. Hinnebusch. The International Politics, pp. 15-16

9. Ibid., p. 17

10. For more discussion of convertibility of imperialism, see Galtung, 'A Structural Theory', p. 98-101

11. For details of British intervention to the Middle East, see Briton Cooper Busch, Britain, India, and the Arabs, 1914-1921, (Berkley: University of California Press, Ltd. 1971)

12. For detailed information, see Michael Eppel, 'The Decline of British Influence and the ruling elite in Iraq' in Michael Cohen and Martin Kolinsky (ed.), Demise of the British Empire in the Middle East: Britain's Responses to Nationalist Movements 1943-55, (London: Frank Cass & Co. Ltd. 1998) pp. 185-198

13. Rashid Khalidi, Resurrecting Empire: Western Footprints and America's Perulous Path in the Middle East, (London: I.B. Tauris & Co Ltd, 2004), p. 10

14. For more discussion about the formation of the Middle Eastern states, see Hinnebusch. The International Politics, p. 18-21

15. Peter Sluglett, 'The Cold War in the Middle East' in Louse Fawcett (ed.), International Relations of the Middle East, (Oxford: Oxford University Press, 2005), pp. 41-59

16. For detailed analysis of the broadened agenda of security, see Barry Buzan, Ole Waever, Jaap de Wilde, Security: A New Framework for Analysis (London: Lynne Rienner Publishers Ltd, 1998)

17. For more discussion about removal of Mossadeq from his office, see Ali Ansari, Modern Iran Since 1921: The Pahlavis and After, (Essex: Pearson Education Limited, 2003), pp. 106-132

18. For instance cotton has been one of the main export product of Egypt, for more discussion of cotton production of Egypt in early 20th century, see Bresciani-Turroni C., 'Egypt's Balance of Trade', The Journal of Political Economy, Vol. 42, No. 3. (Jun., 1934), pp. 371-384.

19. Hinnebusch, The International Politics, p. 38

20. For more discussion about the impact of the OPEC policies to the economies of the Middle East member states, see Rodney Wilson, Economic Development in the Middle East, (London: Routledge, 1995), pp. 122-146

21. See Volker Perthes, 'Elite Change and System Maintenance' in Volker Perthes (ed.), Arab Elites: Negotiating the Politics of Change, (Boulder: Lynne Rienner Publishers, 2004), pp. 301-309

22. The numbers are given in United States Dollars, for more information about the economies of the region see also International Monetary Fund, Regional Economic Outlook, Middle East and Central Asia, September 2006

23. See Robert Hunter, 'U.S. Policy Toward the Middle East After Iraq's Invasion of Kuwait', in Robert O. Freedman (ed.), The Middle East After Iraq's Invasion of Kuwait, (Gainsville, University Press of Florida, 1993) pp. 59-74

24. Raymond Hinnebusch, 'Hegemonic Stability Theory Reconsidered: Implications of the Iraq War' in Rick Fawn and Raymond Hinnebusch The Iraq War: Causes and Consequences, (ed.), (Boulder: Lynne Rienner Publishers Inc. 2006), p. 303

25. For details of the United States response to 9/11 as a world hegemonic superpower, see Robert Lieber, The American Era: Power and Strategy for the 21st Century, (New York: Cambridge University Press, 2005) p. 17

26. See Raymond Hinnebusch, 'Hegemonic Stability Theory'

27. For theoretical analysis of security in the Third World, see Mohammed Ayoob, The Third World Security Predicament: Statemaking, Regional Conflict, and the International System (London: Lynne Rienner Publishers Ltd, 1995)

28. For more information about the demonstration against Lebanese Prime Minister Fouad Siniora, see Dominic Moran, 'Hizbollah's Big Gamble', Commentary for ISN Security Watch, (4 December 2006), available at http://www.isn.ethz.ch/news/sw/details.cfm?ID=16994

У. Умаров,
ЖИДУ, "Халқаро савдо ва инвестициялар" кафедраси, ўқитувчи

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА БАНКРОТЛИК - ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИК ИНСТИТУТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

В данной статье раскрыто формирование института банкротства– экономической несостоятельности в зарубежных странах, оценка случаев банкротства на предприятиях и их оценка, а также использование методов государственного подхода в осуществлении антикризисного управления в целях их предотвращения, также рассматриваются этапы развития института банкротства (экономической несостоятельности) в Узбекистане.

* * *

This article describes the formation of institutions of bankruptcy-economic insolvency in foreign countries , the evaluation of cases of bankruptcy in enterprises and their evaluation, and the use of methods of government approach in the implementation of crisis management in order to prevent them also, development stages of bankruptcy institutions (economic insolvency) in Uzbekistan.

Калит сўзлар: *банкротлик, иқтисодий ночорлик, молиявий соғломлаштириш, инқирозга қарши бошқарув, банкротлик институти, корхонанинг мажбуриятлари.*

Ключевые слова: *банкротство, экономическая несостоятельность, финансовое оздоровление, антикризисное управление, институт банктротства, обязательства предприятия.*

Key words: *bankruptcy, economic insolvency, financial restructuring, crisis management, Institute of bankruptcy liabilities of the enterprise.*

* * *

Ривожланган бозор муносабатларининг хусусияти рақобатни шакллантиради, натижада ишлаб чиқариш узлуксиз янги техника-технология билан қуроллантирилади, нарх-наво пасаяди, маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлилиги ортади. Аммо бозор иқтисодиёти ҳам айрим ўзига хос камчиликларга эга. Ҳар қандай мукаммалликни бошқариб борилмаса, у инқирозга юз тутиши мумкин. Бу ҳолат 2008 йилда жаҳон иқтисодиёти мувозанатини бузган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кўринади. Глобал инқирознинг молиявий-иқтисодий талафотлари кейинчалик ижтимоий инқирозни вужудга

келтирди, яъни ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётининг ривожланишида бир қанча муаммолар пайдо бўлмоқда. Жаҳондаги ишсизлар сонининг йилдан йилга ошаётгани, хусусан, 2013 йилда бу кўрсаткич 6 фоизга ошганлиги (202 миллион ишсиз) ҳам инқироз ҳали давом этаётганлигини кўрсатади.[1]

Бугунги кунда юқорида келтирилган ва бошқа шунга ўхшаш муаммоларни бартараф этишда ҳамда иқтисодиётимизни янада барқарор ривожлантириш учун банкротлик-иқтисодий ночорлик институти катта роль ўйнайди. Бу хусусда, Президент И.А.Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: - “Биринчи навбатда, аввало, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва иқтисодий ночор, маҳсулотларига талаб йўқлиги сабабли тўла қувват билан фаолият кўрсатмаётган давлат корхоналарини профессионал хорижий инвесторларга уларни қайта тиклаш ва ушбу корхоналар негизида янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбурияти билан “ноль” қийматида сотиш зарур” деб таъкидлаган.[2]

Фикримизча, банкротлик – иқтисодий ночорлик институти корхоналарни тўлов қобилиятини тиклашга, молиявий қийинчиликларни бартараф этишга ва айни вақтда бозор элементларининг яшовчанлигини оширишга хизмат қилади. Иқтисодиётда айнан банкротлик-иқтисодий ночорлик институти орқали айланма маблағлар иқтисодий жиҳатдан самарасиз тармоқдан самарали тармоққа оқиб ўтади ва миллий иқтисодиётда мувозанат ҳолати таъминланади.

Айни пайтда, “иқтисодий ночорлик” ва “банкротлик” масалалари иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини ошириш давридаги илмий тадқиқот ишларининг долзарб мавзусига айланиб бормоқда. Мазкур масалаларни давлатлар ўз иқтисодий ҳолатидан ҳамда қабул қилинган тартиблардан келиб чиқиб ҳал қилмоқдалар.

Хусусан, Германиянинг банкротлик тўғрисидаги қонунида корхона икки хил ҳолатда,яъни биринчидан, агар корхона башорат қилинаётган узоқ вақт давомида тўловга қобилиятли бўлмаса, иккинчидан эса корхона пассивлари унинг активларидан ошиб кетса, банкрот деб топилади.

Биринчи ҳолатда, корхоналарнинг банкротлик ҳолатида тижорат банклари уни оғир молиявий аҳволда деб топиб, узоқ вақт давом этган зарар билан ишлаш оқибатида бериладиган кредитга гаров бўладиган мулки йўқ деб унга кредит беришдан бош тортадилар.

Иккинчи ҳолатда корхонанинг тўловга кобилияти кўрсаткичи шартли хусусиятга эга бўлиб, у бозорда фаолият юритишидан бошлаб катта зарар кўриб келаётганлиги ва харажатлари даромадидан ошиб кетганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун Германия Олий суди корхона пассивлари активларидан ошиб кетиб, активлари қарзларини қоплай олмаса ёки корхона келажакдаги ривожланишини ижобий башорат қила олмаса, уни банкрот деб эълон қилади.[3]

Италияда банкротликнинг объектив биринчи шарти унинг тўловга кобиллик ҳолатида деб баҳоланади, яъни корхона мажбуриятлари бўйича ўзи жавоб беради. Мазкур тушунча кенг маъно касб этиб, у иқтисодиётда ликвид маблағларнинг етишмаслиги билан чегараланмаган. Бунда корхонада тўловларини тўлаш ҳолати тўхтаса, демак, унда банкротлик ҳолати вужудга келди деб талқин қилинади.

Шунингдек, Италияда корхона кредиторларининг манфаатлари тўлиқ

ҳимоя қилинади, яъни тадбиркордан корхонани назорат қилиш ва уни бошқариш вазифалари олиб қўйилади.[4]

Буюк Британияда шаклланган банкротлик-иқтисодий ночорлик институти ўзининг узоқ йиллик тарихига эга. Банкротликни давлат томонидан тартибга солиш амалиёти корхоналарнинг банкротлиги ва уни соғломлаштириш жараёнларининг барча жабҳаларини қамраб олган қонунчилик базасига эгалиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Унга кўра, корхоналар уч хил ҳолатда банкрот, яъни иқтисодий ночор деб топилади:

– корхона мажбуриятларини бажара олмаса, уни банкрот-иқтисодий ночор деб эълон қилиш юзасидан ўзи судга мурожаат қилади;

– агар корхона кредиторлар олдида жами 750 фунт стерлинг ёки ундан кўпроқ миқдордаги қарзни тўлай олмаса, кредиторлар уни банкрот – иқтисодий ночор деб топиш бўйича судга мурожаат қиладилар;

– алоҳида субъектлар (банкротлик – иқтисодий ночорлик ишини олиб борувчи муассаса) томонидан, корхона Шахсий ихтиёрий келишув (Individual Valuntary Arrangement) шартларини бузганлиги учун уни банкрот – иқтисодий ночор деб топиш бўйича судга мурожаат қилинади.[5]

Фикримизча, Буюк Британия қонунчилиги ҳам кредиторларни ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, кредиторлар ўртасида қарздор активларини тақсимлаш механизмини самарали ва оператив тарзда амалга оширишга ҳаракат қилинади. Банкротлик таомиллари даврида корхона назоратини кредиторлар ўз қўлига олади. Бу моделнинг камчилиги шундан иборатки, мақсад қарздорни қутқариб олишга эмас, балки уни тугатишга қаратилади. Амалиётда бундай ёндашув макроиқтисодиётнинг асосий вазифасини самарали бажаришга тўсқинлик қилади.

Франция банкротлик тўғрисидаги қонунида корхоналар иқтисодий ночорлигини тартибга солишда икки томонлама ёндашув мавжуд. Бир томондан, иқтисодий ночор қарздорни соғломлаштириш бўлса, иккинчи томондан эса уни банкрот – иқтисодий ночор деб топиш (мажбурий тугатиш) белгилаб қўйилган. Қонунга кўра, қарздорни молиявий қўллаб-қувватлаш (соғломлаштириш) бўйича алоҳида маъмурлар, уни банкрот – иқтисодий ночор деб топишда эса тугатувчилар фаолият олиб борадилар. Шунингдек, мазкур икки йўналишда бир жисмоний шахснинг фаолият юритиши ҳам қонун билан чеклаб қўйилган.[6]

Бизнингча, француз тизимида ночорликни бошқариш қарздор корхонанинг инфратузилмасини кредиторлар ҳуқуқини қисқартириш ҳисобига ҳимоя қилиш ғоясига асосланган. Кредиторларнинг истагига қарамасдан ҳар қандай ҳолда ҳам қатъий тартиб ўрнатилади. Ваҳоланки, бунининг натижасида кредиторларнинг активлардаги улуши қисқаради.

АҚШнинг “Банкротлик тўғрисида”ги қонунига кўра, иқтисодий ночорликни баҳолаш тизимида ликвидациядан кўра қайта таркибий тузиш таомили афзал кўрилади. Қарздор қайта таркибий тузиш режасини кредиторлар аралашувисиз ўзи амалга оширади. Компания менежери эса қайта таркибий тузишни амалга оширувчи шахс ҳисобланади.[7]

Тадқиқотлар кўрсатадики, аниқ ташқи омил таъсири орқали корхонада вужудга келган иқтисодий ночорлик ҳолатида мазкур жараёнини таҳлил қилиш корхона учун хатоликдир. Чунки бундай ҳолат ташқи омилнинг ноқулай таъсирини янада чуқурлаштириб юбориши мумкин.

Ҳозирги пайтда, жаҳон мамлакатларида, хусусан, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги – банкротлигининг олдини олишга қаратилган ин-

қирозга қарши бошқарув термини айниқса кўп қўлланиб келинмоқда. Бир ҳолатда корхона ёки фирмани иқтисодиётдаги умумий инқироз шароитида бошқариш тушунилса, иккинчи ҳолатда уларни иқтисодий ночорликнинг бошланиш даврида бошқариш, учинчи ҳолатда эса иқтисодий ночорликни хўжалик суди назоратидаги жараён вақтида бошқариш тушунилади.

Бу хусусда, бир гуруҳ олимлар «Корхонанинг бозорда фаолият олиб боришида унинг молиявий ҳолати нобарқарор бўлиб, иқтисодий ночорлиги аниқ бўлган пайтда инқирозга қарши чоралар қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай шароитда, даставвал, иқтисодий ночорлик – банкротликнинг келиб чиқиши ва унинг хавф-хатарларини ўрганишни инкор қилиб, бор эътиборни уни “даволаш”га берган маъқул”[8] деб талқин қиладилар. Иккинчи гуруҳ олимлар эса мазкур ёндашувни номақбул деб ҳисоблайдилар. Жумладан, россиялик олим, профессор Э.А.Уткин ўзининг илмий ишларида шундай ёзган: - “Мазкур ёндашув худди аравани отнинг олд томонига қўйиш кабидир”. Асосийси, корхонани инқирозга қарши бошқарувда молиявий қийинчилик доимий барқарор хусусиятга эга бўлмаган пайтда соғломлаштириш лозим. Бундай ёндашув банкротлик-иқтисодий ночорлик тўғрисида масалаларни четлаб ўтган ҳолда, корхонада пайдо бўладиган муаммони бартараф қиладиган бошқарув механизми аввалдан шаклланган бўлишини талаб этада”.[9]

Шунингдек, учинчи гуруҳ олимлар юқоридаги икки ёндашувни ҳам инкор қилган ҳолда, иқтисодий ночорлик шароитида фақат ночорлик сабаблари ва банкротлик механизмини таҳлил қилишга қаратилган чоралар қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.[10]

Ўз навбатида, корхоналарда иқтисодий ночорлик – банкротлик ҳолатларини таҳлил қилувчи ғарб мамлакатлари олимларининг фикрича, улар инқирозга қарши бошқарувни корхоналарнинг бозорда яшаб қолиши ва фаолият юритишига хавф солиб турган қийинчиликларни енгиши учун зарур механизм сифатида баҳолайдилар.[11] Шунингдек, мазкур механизм корхонанинг фаолият юритишига хавф солиб турган қийинчиликларни енгиши учун зарур бўлган усул ва воситалардан фойдаланиш интенсивлигини оширишга ёрдам беради.[12] Ўз илмий ишларида инқирознинг ижобий томонларини ёритиб бериб, уни эскича иш юритишдан халос қиладиган инструмент сифатида талқин қиладиган олим Х.Беккернинг фикрича, инқирозга қарши бошқарувни корхонанинг фаолиятида кескин бурилиш нуқтаси яқинлашаётганлигидан далолат берувчи инструмент деб баҳолаб, унга кўра, корхона ривожланишнинг янги босқичини ишлаб чиқиши лозим деб ҳисоблайди.[13]

Тадқиқотларимиз кўрсатадики, корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги – банкротлигини прогнозлаштириш замонавий иқтисодиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири сифатида, охирги пайтларда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг муҳим мавзусига айланиб бормоқда. Дастлаб корхоналарнинг молиявий ночорлигини прогнозлаштириш билан боғлиқ тадқиқотлар 1930 йилнинг охирларида АҚШда амалга оширилган. (Эътиборли жиҳати шундаки, корхоналарни молиявий таҳлил қилишдаги ўша даврдаги асосий методлардан ҳозирги давр амалиётида ҳам фойдаланиб келинмоқда). Кўпгина мустақил консалтинг фирмалари иштирок этган мазкур тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқланганки, иқтисодий ночор – банкрот корхоналардаги молиявий коэффициентлари барқарор фаолият юритаётган корхоналар коэффициентларидан сезиларли фарқ қилган.

Қуйида барқарор фаолият олиб бораётган ҳамда иқтисодий ночор – банкрот корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини таҳлил қилишда корхона балансининг салбий ва ижобий белгилари келтириб ўтилган.

1-жадвал

Корхона балансининг ўзига хос сифат белгилари [14]

«Салбий» баланс	«Ижобий» баланс
Сотиш қийин бўлган активларнинг ўсиши	Баланс валютасининг асосли ўсиши
Активларнинг айланиш тезлигининг пасайиши	Жами актив ва капиталнинг ўсиши
Муддати ўтган қарзлар улушининг ортиши	Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари улушининг камлиги
Зарарнинг мавжудлиги	Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг бир-бирига мувофиқ тарзда ўсиши
Маблағни жалб қилиш ва жойлаштиришнинг норационал тузилмаси	Хусусий капиталнинг ўсиши қарзга олинган капитал ўсишидан юқори бўлиши
Тўловга қобиллик коэффициентининг пастлиги	Зарар кўрмаслик
Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг бир-бирига номувофиқ тарзда ўсиши	Активларнинг айланиш кўрсаткичларининг юқорилиги
Қарзга олинган капиталнинг ўсиши хусусий капитал ўсишидан юқори бўлиши	
Жами активлар ўсиш суръатларининг пастлиги	

Иқтисодий ночорлик – банкротликнинг олдини олишга қаратилган инқирозга қарши бошқарувни икки хил кўринишда талқин қилиш мумкин. Биринчидан, назарий жиҳатдан ишланганлик даражасига кўра ўзининг методологияси ва ҳуқуқий асосига, қўллаш усулига ҳамда амалиётда фойдаланиш самарасига эга бўлган ва илмий соҳада алоҳида аҳамият касб этган мавзу сифатида эътироф этиш, иккинчидан эса, иқтисодий ночорлик – банкротликнинг олдини олишга қаратилган ёндашувларга кўра, инқироз оқибатларини бартараф қилиш ва унинг юзага келишига йўл қўймаслик деб талқин қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.[15]

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, банкротлик – иқтисодий ночорлик институти орқали иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган тармоқдан самарали тармоққа оқиб ўтаётган айланма капиталнинг ишлаб чиқариш томонидан бозор талаб этаётган товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишга сарфланиши натижасида иқтисодиётда мувозанат таъминлаб турилади. Шу нуқтаи назардан, корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги – банкротлигини, унинг келиб чиқиш сабаблари, юзага келтирадиган оқибатлари ва уларни тартибга солиб туришнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ҳар бир миллий иқтисодиёт учун долзарбдир.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда шаклланган банкротлик – иқтисодий ночорлик институти ўзининг маълум хусусиятларига кўра бир неча босқичларда ривожланиб, такомиллашиб келган. Қуйида Республика банкротлик институтининг йиллар бўйича ривожланиш босқичлари келтириб ўтилган.

Биринчи босқичга 1994 - 1997 йилларни киритиш мумкин. Бу босқич "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг амалга киритилиши, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 28 декабрдаги №465-сонли "Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги қарорига асосан давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ҳузурида Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг ташкил этилишини ўз ичига олади.

Иккинчи босқич, 1998-2002 йилларни ўз ичига олади. Бу босқич банкротлик бўйича кўрилаётган ишларнинг кўпайиб бориши, банкротлик бўйича жинойи ишларни тартибга солишнинг такомиллашуви, Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилишнинг қонунийлаштирилиши, "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунга қўшимчалар киритилиб, янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши, ташқи бошқарув таомилининг жорий қилиниши, хўжалик судларида банкротлик бўйича ишларнинг кўрилишини ягона тизимга солиш, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасини Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси таркибидан чиқарилиб, Иқтисодиёт вазирлигига бўйсундирилиши, иқтисодий ночор корхоналар бўйича ахборотлар базасининг Қўмита миқёсида такомиллаштирилишини ўз ичига олади.

Учинчи босқич, 2003-2008 йиллар. Бу босқичда модернизациялаш учун қилинадиган харажатлар ҳисобидан қўшимча солиқлар бўйича имтиёзлар яратиб берилди, "Банкротлик тўғрисида"ги қонунга қўшимчаларни киритилиб, янги таҳрирдаги қонун қабул қилинди, кузатув ва суд санацияси таомиллари жорий этилди, барча банкротлик таомилларига суд бошқарувчилари масъул этиб қўйилди. Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг вазифалари ва бошқа фаолиятларини ташкил этиш чоралари ишлаб чиқилди ҳамда корхоналарнинг молиявий-иқтисодий мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ташкил этилди ва Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси унинг таркибига киритилди. Суд бошқарувчилари фаолияти ва уларни аттестациядан ўтказиш қонун-қоидалари янада такомиллаштирилди, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни ихтиёрий тугатиш ва тадбиркорлик субъектлари – жисмоний шахслар фаолиятини тўхтатиш тартиби белгиланди.

Тўртинчи босқич, 2009 йилдан ҳозирги давргача бўлиб, ушбу босқичда банкротлик бўйича ишларнинг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини такомиллаштириш Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан шуғулланувчи бўлими Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик субъектларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари уюшмаси сифатида ажратиб юборилиши, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси таркибидаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўлими таркибининг ўзгартирилишиниўз ичига олади.[16]

Шунингдек, бу босқичда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон Фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди. Ҳозирги кунда Қўмита томонидан:

– паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, уларни биринчи навбатда янги инвесторларни жалб этиш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, янги рақобатбардошли маҳсулотни ўзлаштириш ҳисобига молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта қуриш ва банкрот қилиш борасидаги функцияларни бажариш, судгача ва суд санациясини ўтказиш, банкрот корхоналарнинг ташқи бошқаруви бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш каби вазифаларни амалга оширмоқда.[17]

Ўзбекистонда олиб борилаётган барча йўналишдаги ислоҳотлар натижасида, банкротлик институти ҳам босқичма-босқич шаклланган бўлиб, йилдан-йилга банкротлик – иқтисодий ночорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ривожланиши билан биргаликда иқтисодий ночор – банкрот ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнининг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлилик даражаси ошган.

Банкротлик – иқтисодий ночорлик тўғрисидаги чет эл қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур қонунлар асосан икки йўналиш, яъни иккита моделдан ташкил топган:[18]

Биринчи модель – Британия модели бўлиб, унда банкротлик тўғрисидаги қонунчилик банкротга учраган корхонага берилган қарзларни эгасига қайтариб беришни таъминлашга қаратилган. Масаланинг бу тарзда қўйилиши асосан корхонани тугатиш асосида олиб борилади.

Иккинчи модель – Америка модели бўлиб, бунда қонунчилик банкротга учраган корхонани турли чора-тадбирлар ёрдамида тўлов лаёқатини тиклаб, иқтисодий-молиявий фаолиятини давом эттиришга қаратилган. Фикримизча, ҳозирда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бу икки моделнинг комбинациялашуви амалга оширилади.

Фикримизча, Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий компанияларнинг филиаллари ёки шуъба корхоналарининг фаолиятини таҳлил қилишда уларнинг тўловга қобиллигини башорат қилиш учун муҳим ва фойдали бўлган, шунингдек, миллий қонунчилик шарт-шароитларини ҳам қамраб олган иқтисодий-математик модель яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу орқали корхоналарда иқтисодий ночорлик – банкротлик юзага келишининг дастлабки белгилариданоқ уни аниқлаш имконияти юзага келади. Маълумки, бозорга янги кириб келган корхоналарнинг ҳаётийлик цикли (барқарор фаолият олиб бориш даври) 3-5 йиллар атрофида бўлади. Шундан келиб чиқиб, иқтисодий ночорлик – банкротликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар замонавий бозор талабларидан келиб чиқиб қўлланилмаса, корхона молиявий ночорлик ҳолатига тушиб қолиши мумкин.

Юқорида кўриб ўтилган иқтисодий ночорлик – банкротликнинг давлатлар кесимида ҳуқуқий асосларининг ривожланишидан келиб чиқиб, хориж мамлакатларининг иқтисодий

ночорлик – банкротликни бартараф этишдаги ёндашувлари уларда қабул қилинган молиявий ҳисоботларга кўра ишлаб чиқилганлиги, миллий иқтисодиётда эса, уларнинг тажрибаларидан энг аввало, миллий манфаатларни устун қўйган ҳолда қабул қилинган тартиб-қоидаларнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар

1. Global Employment Trends 2014: Risk of a jobless recovery? / International Labour Office. Geneva: ILO, 2014.
2. *Каримов И.А.* 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк вахусусий тадбиркорлика кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир//«Халқ сўзи», 2015 йил 19 январь.
3. *Brown M.* German Insolvency Law – an overwiew, 2012.
4. Italian Insolvency Law. Sources and proceedings. The main source of Italian Insolvency Law is the Insolvency Act (r.d. 16-3-1942,n. 267) «LeggeFallimentare», hereinafter referred to as «The Insolvency Act 1942».
5. Declaring bankruptcy or being made bankrupt. https://www.gov.uk/bankruptcy/overview.
6. *E.Cafritz and J.Gillespie* French Bankruptcy law reform assessed, IFLRD/ December 2005, 41 p.
7. *Hansen B.* Bankruptcy Law in the United States. http://eh.net/encyclopedia/bankruptcy-law-in-the-united-states/
8. *Степанов В.В.* Несостоятельность(банкротство) в России, Франции, Англии, Германии. М.:Статут, 1999. 37-56 с.
10. *Уткин Э.А.* Справочник кризисного управляющего. М.: Экмос, 1999. 132 с.
11. *Гаврилова В.Е.* Банкротство в России: Вопросы истории, теории и практики: Учебное пособие.– М. ТЕИС, 2003. 25 с.
12. *Krumenacher A.* Krisenmanagement, LeitfadenzumVerhindern und Bewaltigen von Unternehmungskrisen. Zurich, Verlag Ind. Organisation. 1981. S. 9.
13. *Schimke E.* Krisenmanagement und Sanierungsstrategien. Shtutgart, Landberg am Lach. 1985. S. 35.1
14. *Krumenacher A.* Krisenmanagement, LeitfadenzumVerhindern und Bewaltigen von Unternehmungskrisen. Zurich, VerlagInd. Organisation. 1981. S. 24.
15. *Масенко И.Б.* Прогнозирование платежеспособности предприятия на основе расчета его рейтинга и регрессионного анализа величины чистых активов-.Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Пермь 2009.
16. *Анохин С.А.* Антикризисное управление как экономическая категория и предпочтительные механизмы его реализации на предприятиях// Организационные и экономические проблемы становления конкурентоспособного производства. Воронеж. 1999. 48 бет.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4483-сонли Фармони.

Н. Нугманов,
юридик фанлар номзоди, доцент (ЖИДУ)

АХБОРОТ ИНҚИЛОБИ ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМЛИГИ

* * *

В данной статье рассматриваются международно-правовые аспекты обеспечения международной информационной безопасности в современных условиях.

* * *

This article addresses regarding some international law matters of international information security in the current conditions

Калит сўзлар: *ахборот хавфсизлиги, ахборот майдони, ахборот инқилоби, ахборот-коммуникация технологиялари, глобаллашув.*

Ключевые слова: *информационная безопасность, информационное поле, информационная революция, информационно-коммуникационные технологии, глобализация.*

Keywords: *international law, information security, information communication technology, information revolution.*

Давлатларнинг бугунги куни ва истиқболи, давлатлардаги мавжуд ахборот хавфсизлиги, демократия, жамият манфаатлари, шахс эркинлиги даражаси каби масалалар бир-бири билан боғлиқ ҳодиса ва жараёнлардир.

Замонавий халқаро муносабатларда намоён бўлаётган глобаллашув ва универсаллашув давлатлар ўртасидаги виртуал ва ахборот чегараларининг батамом йўқолиб кетишига олиб келди. Шу боисдан, бугунги кунда ахборот, ахборот ресурслари ва турли ғоялар нафақат индивид ва муайян гуруҳ муносабатларининг, балки халқаро муносабатларнинг ҳам муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда. Юртбошимиз И.А.Каримов айтганларидек: «…Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол»[1].

Бу борада инсон ҳамиша шундай кўп қиррали ахборотга эга бўлиш керакки, уни ҳеч ким йўлдан адаштира олмасин. Инсон турли мазмундаги ахборотга эга бўлиши орқали ўзини яна бир хавфдан, яъни ахборий бўшлиқдан сақлаб қолади: натижада, у ўзининг «ахборот хавфсизлигини» таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, «ахборот хавфсизлиги" ахборот муҳити билан узвий боғлиқдир. Айни маълум ахборот муҳитида у ёки бу ахборот хавфсизлигига бевосита таъсир қилувчи, инсон фаолиятини мувофиқлаштирадиган омиллар мавжуд бўлади. Шунингдек, улар орасида етакчи деб тан олинган «ахборот инқилоби» деб таърифланувчи феномен ҳам мавжуд. Назариётчи Т.А. Мешкова у тўғрисида шундай қайд этган «...ахборот инқилоби – бутун инсоният тараққиёти давомида ёнма-ён ҳолда кечаётган икки жараён: кишилик жамияти ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ахборот аҳамиятининг тобора кучайиши хамда ахборот ҳажмининг ортиши, тўпланиши ва тарқатиш технологияларининг такомиллашуви натижасидир»[2]. Тараққиёт тарихида ахборотни қайта ишлаш соҳасидаги ўзгаришлар натижасида ижтимоий муносабатлар янгиланади, бу эса намоён бўлувчи бир неча ахборот инқилобларига олиб келади.

Масалан, ахборот инқилоблари ўз навбатида анъанавий оммавий ахборот воситалари (ОАВ), телекоммуникация тармоқлари орқали маълумотни узатиш мақсадида компьютер тизимларининг бирлаштирилишига асосланган янги ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни вужудга келтиради. АКТнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли, баъзан эса кутилмаган оқибатларга олиб келувчи узлуксиз равишда ривожланиши ва глобал миқёсда тарқалишини «глобал ахборотлаштириш жараёни» деб аташ мумкин. Назариётчи В. Г. Беловнинг фикрича, ахборотлаштириш ишлаб чиқариш кучлари ривожидаги янги босқич бўлиб, ушбу даврда ахборот алмашинуви, уни тезкорлик билан қайта ишлаш ва самарали усулда қўллаш жамиятни ҳар томонлама ривожлантиришнинг зарур шартидир»[3]. «Ахборотлаштириш, – дея қайд этади бошқа бир олим, проф. В.И. Добренков, – шунчаки ижтимоий ҳаётнинг алоҳидаги соҳаси бўлиб қолмай, моҳият-эътибори билан инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб оладиган, унинг оқибатлари инсон, жамият, давлат ҳаётига чуқур таъсир кўрсатадиган ва ушбу таъсирнинг аҳамияти тобора ортиб боради» ган тушунчадир [4].

Глобал ахборот жамияти тўғрисида 2000 йил 22 июндаги Окинава хартиясида «...ахборот-коммуникация технологиялари XXI асрда жамиятнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи ўта муҳим омиллардан биридир" [5], деб бежиз таъкидланмаган.

Ахборотлаштириш, шубҳасиз, ижтимоий жараённи янада самарали бошқаришга ёрдам беради. Бироқ ахборотлаштириш фақат тамаддун тараққиётини тезлаштирибгина қолмай, миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликка янги таҳдид ҳам туғдиради. Бундай таҳдидни Бутунжаҳон олимлар федерацияси XXI асрда инсоният учун хатарли бўлган асосий таҳдидлар рўйхатида тилга олди [6].

Ахборот хавфсизлиги муаммосининг юзага келиши жаҳон илмий-техникавий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда глобал ахборот инқилоби билан бевосита боғлиқдир. Шу боис, энг янги ахборот технологиялари ҳамда коммуникациянинг глобал воситалари ўта тезлик билан ва деярли ҳамма ерда кенг тарқалмоқда ва, шу аснода, халқаро ҳамжамиятнинг ўзига хос ахборот ҳудуди вужудга келмоқда. Ҳолбуки, ахборот инқилоби ютуқларидан фақат эзгу мақсадлар йўлида эмас, балки халқаро майдондаги алоҳида давлатлар-

нинг устунлигини таъминлаш, бошқаларини бостириш, давлатларнинг ички ишларига аралашиш мақсадларида ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг натижасида халқаро зиддиятларнинг алоҳида давлатлар хавфсизлиги борасидаги манфаатларига боғлиқ ҳамда халқаро глобал ва минтақавий даражадаги халқаро хавфсизликнинг умумий тизимига таъсир кўрсатувчи тубдан янги бир соҳаси вужудга келганлиги хусусида айтиб ўтиш лозим. Айнан шу сабабли ҳам ахборот хавфсизлиги муаммоси бугунги кунда айниқса долзарб аҳамият касб этмоқда.

Одатда, хавфсизлик деганда, инсон, жамият, давлат ва халқаро тизимнинг ўта муҳим манфаатлари ҳар қандай ички ёки ташқи таҳдиддан ҳимояланган вазият тушунилади[7]. Т.А. Мешкованинг фикрига кўра, ахборот хавфсизлигини «социумнинг шахс, жамият ва давлатнинг ахборот ҳудудида уларга нисбатан уюшган ёки табиий тарзда рўй берадиган ахборот ва коммуникация оқимлари шаклида намоён бўлувчи ўзига хос хатарлар таъсиридан ҳар томонлама ҳимояланган ҳолати» [8] сифатида таърифлаш мумкин. Шу билан бирга, ахборот хавфсизлигини тор, техник тушуниш ҳам кузатилади. Масалан, проф. П.Н. Башлининг фикрича, «ахборот хавфсизлиги – бу ахборот ва уни қўллаб-қувватловчи инфратузилманинг ахборот эгалари ва ундан фойдаланувчиларга табиий ёки сунъий зарар етказиши мумкин бўлган тасодифий ёки қасддан кўрсатиладиган таъсирдан ҳимояланганлиги» [9] дир. Унинг қуйидаги сўзлари ҳам муаллифнинг юқоридаги фикрларини яна бир карра тасдиқлайди: «Ахборот жамият ривожи учун аҳамиятлилиги жиҳатидан хомашё ва энергетика каби муҳим ресурслар қаторида туради» [10].

Шу тариқа, ахборот хавфсизлигига бугунги кунда тор технологик категория деб қаралмайди, чунки ушбу муаммо ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг концептуал асослаш соҳасига ўтиб бормоқда. Айнан шу боисдан, ахборот хавфсизлиги муаммосини халқаро-ҳуқуқий нуқтаи назардан кўриб чиқиш ҳозирда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Е.Ю. Митрохинанинг таъкидлашича, «Ҳозирги кун шароитида ахборот таъсирининг чуқур ва ҳар томонлама таҳлили жамиятнинг қатор омиллар, жумладан: ахборот қурол-яроғларини яратиш ва ахборот урушлари олиб бориш; турли даражадаги ижтимоий тизимларга кўрсатадиган салбий таъсири кўламининг ортиш эҳтимоли мавжуд бўлган ахборот оқимининг кенгайиши; омма ва алоҳида шахслар онгига маълум манфаатлардан келиб чиққан ҳолда таъсир ўтказишнинг реал имкониятлари ва усулларининг пайдо бўлиши устидан назорат ўрнатилишига муҳтож бўлган муҳим эҳтиёжига айланиб бормоқда» [11].

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, ахборот хавфсизлиги қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади, деб ҳисоблаймиз:

– ахборот ҳудудининг фуқаролар, ташкилотлар ва давлатларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ривожланишининг таъминланган ҳолати;

– ахборот инфратузилмасининг ахборотдан қатъий назар фойдаланиладиган ва фойдаланилаётганда тизим (объект)га салбий таъсир ўтказмайдиган ҳолати;

– ахборотнинг махфийлиги, тўлақонлилиги ва барча бирдек фойдалана олиши сингари хусусиятларининг бузилишига йўл қўйилмайдиган ёки сезиларли қийинлаштирадиган ҳолати.

Ахборот хавфсизлиги миллий ҳамда халқаро даражага эга. БМТ резолюцияларига кўра, халқаро ахборот хавфсизлиги «ахборот ҳудудида халқаро муносабатларнинг жаҳон осойишталигининг бузилишига ҳамда давлатлар ва жаҳон ҳамжамиятига хавф туғ-

дирилишига йўл қўймайдиган ҳолати» [12] дир.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси кейинги пайтларда, сиёсий доираларда бўлгани каби, илмий доираларда ҳам тобора кўпроқ муҳокамалар мавзусига айланмоқда, шунингдек, халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг диққат-эътиборини ўзига тортмоқда. Чунончи, БМТ Бош Ассамблеяси 53, 54 ва 55-сессияларининг кун тартибига «Халқаро хавфсизлик контекстида ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида эришилган ютуқлар» [13] банди киритилган.

1999 йил 23 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюцияда «замонавий ахборот технологиялари ва воситаларининг тарқалиши ва қўлланишидан халқаро барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш вазифаларига мос бўлмаган мақсадларда фойдаланиш эҳтимоли кучли эканлиги» [14] ташвиш уйғотаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Ахборот тизимларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида кўриб чиқилмоқда. Мисол тариқасида, ушбу ташкилот томонидан қабул қилинган «ИҲРТ нинг ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш юзасидан етакчи тамойиллари»ни келтириб ўтиш мумкин.

Ахборот хавфсизлиги масалаларининг халқаро ташкилотлар доирасидаги, шунингдек, давлатлар даражасидаги муҳокамаси тобора долзарблиги ушбу масалаларнинг фақат назарий муаммо бўлибгина қолмасдан, балки объектив халқаро воқелик билан чамбарчас боғлиқ эканлиги туфайли ҳам келиб чиқмоқда. Халқаро муносабатларнинг ҳозирги тажрибасида ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган шароитда ахборот таъсирини қўллаш ҳолатларига мисоллар кўплаб топилади [15].

Ўзбекистон давлатида ахборот хавфсизлигини таъминлашда муайян ҳуқуқий пойдевор мавжуд. Бу аввало: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2012 йили қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги» конституциявий Қонун, янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари» тўғрисидаги қонун, «Ахборотлаштириш» тўғрисидаги қонун, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонун ва ҳ.к.дир.

Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мақсадлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– давлатнинг ахборот ресурсларини, шу билан бирга, ахборот соҳасида инсон ҳуқуқи ва жамият манфаатларини муҳофаза этиш;

– ахборий қарамликнинг олдини олиш, бошқа давлатлар томонидан экспансия қилинишининг олдини олиш, шунингдек, ҳукумат ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ахборий тобелигининг олдини олиш.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифалари, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

– ахборот хавфсизлиги соҳасида миллий қонунчиликни халқаро қонун ва меъёрларга доир такомиллаштириш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатидан келиб чиққан холда тегишли чора-тадбирлар комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ушбу йўналишдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган мавжуд тизимни такомиллаштириш, тузилмаларини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигига таъсир этувчи таҳдидларни бартараф этиш омилларини ишлаб чиқиш.

Ўйлаймизки, ахборот хавфсизлиги соҳасида мазкур тизимнинг яратилиши давлатнинг миллий ахборот ресурсларини ҳимоялаш ва ахборот ҳамжамиятига тўлақонли равишда кириб боришини таъминлайди

Адабиётлар

1. *Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 113 б.
2. *Мешкова Т.А.* Безопасность в условиях глобальной информатизации: новые вызовы и новые возможности: Автореф. дисс.... канд. полит. наук. – М.: МГУ им. М.В. Ломоносова, 2003. – С. 3.
3. *Белов В.Г.* Парадигма информационного общества и становление информационного права /Право и информатизация общества: Сб. науч. тр. / Отв. ред. Бачило И.Л. – М.: ИНИОН РАН, 2002. – С. 36.
4. *Добреньков В. И.* Проблемы построения стратегического сообщества на основе положений Окинавской хартии /Глобальная информатизация и безопасность России: Материалы круглого стола «Глобальная информатизация и социально-гуманитарные проблемы человека, культуры, общества» (МГУ, октябрь 2000 г.) / Под ред. проф. В.И. Добренькова. – М.: Изд-во Московского университета, 2001. – С. 23.
5. Окинавская хартия глобального информационного общества /Развитие информационного общества в России. Том 2. Концепции и программы: Сб. документов и материалов /Под ред. Н.В. Борисова, Ю.Е. Хохлова. – СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2001. – С. 63.
6. Информационные вызовы национальной и международной безопасности. Под общей ред. А.В. Федорова, В.Н. Цыгичко. М.: ПИР-Центр, 2001.– С. 5.
7. *Segbers K., Imbusch K.* The Globalization of Eastern Europe. Teaching International Relations Without Borders. Hamburg, 2000. P. 333.
8. *Мешкова Т.А.* Безопасность в условиях глобальной информатизации: новые вызовы и новые возможности: Автореф. дисс. … канд. полит. наук. – М.: МГУ им. М.В. Ломоносова, 2003. – С. 4-5.
9. *Башлы П.Н.* Информационная безопасность. – Ростов н/Д: Феникс, 2006. – С. 7-8.
10. Ўша жойда. – 3-б.
11. *Митрохина Е.Ю.* Информационная безопасность как социологическая проблема /Информационный сборник «Безопасность». – М.: Фонд национальной и международной безопасности, 1997. – №7-9. – С. 30.
12. Док. Генеральной Ассамблеи ООН A/55/40, 10 июля 2000 г.; A/55/140/Add.1, 3 октября 2000 г.; A/55/140/Corr.1, 3 октября 2000 г. // Информационные вызовы национальной и международной безопасности / Под общей ред. А.В. Федорова, В.Н. Цыгичко. – М.: ПИР-Центр, 2001. – С. 315.
13. Официальные отчеты. Генеральная Ассамблея. – М.:Информационное бюро ООН, 2001. – С. 32.
14. Рез. Генеральной Ассамблеи ООН A/RES/54/49 от 23 декабря 1999 г. / Информационные вызовы национальной и международной безопасности/ Под общей ред. А.В. Федорова, В.Н. Цыгичко. – М.: ПИР-Центр, 2001. – С. 317.
15. *Викторов А.Ф.* Информационная война в современных условиях /Информационное общество. – М., 1997. – №1. – С. 59.

Р. Юсувалиева,
ю.ф.н. доц., ЖИДУ кафедра мудири
Д. Валижонов,
ТДЮУ 1-босқич магистранти

МИНТАҚАДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ушбу мақола минтақада хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатар турлари, уларни ҳал этиш йўл-йўриқлари, бу соҳада халқаро ташкилотларнинг амалга ошираётган ҳамкорлиги, шунингдек, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил этилган.

* * *

This article is devoted to international legal aspects of regional security. In this paper are analyzed factors, which create a threat and activities of international and regional organizations for their elimination.

Калит сўзлар: *минтақавий хавфсизлик, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, геостратегик кучлар, коллектив ва миллий хавфсизлик.*

Ключевые слова: *региональная безопасность, международные и региональные организации, геостратегические силы, коллективная и национальная безопасность.*

Key words: *regional security, international and regional organizations, geostrategic powers, collective and national security.*

XX аср 90-йилларининг бошида дунё харитасида 20 дан ортиқ янги мустақил давлатнинг пайдо бўлиши дунё миқёсидаги тарихий жараёнга айланиб, жумладан, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳам ана шу оламшумул жараён доирасида юз берди. Шу нуқтаи назардан Юртбошимиз И.Каримов: “Халқларнинг озодлик, мустақиллик, бахт-саодатга азалий интилиши, ўз тақ-

дирини ўзи белгилашга қилган азму қарори ҳаётдаги чуқур ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи кучдир" [1] деб таъкидлаган сўзлари замирида улкан маъно ётади. Бу куч, ўз навбатида, мамлакатимизнинг нафақат минтақада, балки собиқ Иттифоқ маконида етакчи давлатлардан бири сифатида шаклланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Аммо XX асрнинг охирларида дунё миқёсида юз берган геосиёсий воқеалар халқаро муносабатлар тизимининг тубдан ўзгаришига ҳам олиб келди. Геостратегик кучлар мувозанатининг ўзгариши, кўп қутбли кучлар марказининг юзага келиши, давлатлар ўртасида дунё миқёсида устунлик учун курашнинг авж олиши, айрим давлатларнинг яккаҳукмронликка очиқдан-очиқ интилишлари ана шулар жумласидандир. Икки қутбдаги кучлар мувозанатига асосланган хавфсизлик тизимининг парчаланиши халқаро муносабатларда давлатлар учун кенг имкониятлар очиб бериш билан бирга қатор хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқарди. Ушбу хавф-хатарлар минтақавий, этник ва миллий можаролар, экологик муаммолар, халқаро терроризм ва диний экстремизм, ноқонуний қурол-яроғ савдоси, наркобизнес, одам савдоси каби турли кўринишларда намоён бўлмоқда [2]. Бу эса, ўз навбатида, дунё ҳамжамияти доирасида ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг такомиллашган механизмларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизими шаклланишини таҳлил қилиш ёрдамида унинг динамикаси, ривожланиш тенденциялари ҳамда мазкур соҳадаги мавжуд муаммолар ва келажакдаги устувор йўналишлар каби масалаларга ойдинлик киритиш мумкин. Ушбу тизимнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон Республикасининг қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги иштирокини кўрсатиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, НАТОнинг Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастурида фаол иштирок этиб, ўзининг қатор долзарб ташаббуслари билан халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

БМТ ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорлик қилиш барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Марказий Осиё давлатлари учун хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш имконига эга бўлган кўп томонлама ҳамкорлик механизми сифатида шаклланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг аҳамияти катта. ШҲТнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалардаги фаолияти билан бир қаторда минтақавий хавфсизликни таъминлашда иштирок этиши Марказий Осиё давлатлари манфаатларига мос келади.

Шу ўринда ШҲТ доирасида «Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги конвенция (2001й.), «ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудида терроризмга қарши тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги битим (2006й.) қабул қилинганини ҳамда Тошкентда ташкилотнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (2004й.) таъсис этилганини таъкидлаш жоиз [3].

Марказий Осиё қатор манбаларда ва таниқли экспертлар томонидан геостратегик, геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамиятига кўра дунёнинг муҳим ҳудудларидан бири сифатида эътироф этилади [4]. Чунки у табиий ресурсларга бой умумий инфратузилмага эга бўлган улкан майдонни эгаллаган бўлиб, Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлайдиган ўта муҳим транспорт-коммуникация йўллари кесишган ҳудуддир.

Аммо минтақанинг ушбу соҳалардаги муҳим аҳамияти унинг хавфсизлик соҳасида турли хавф-хатарлар нишонига айланишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Жумладан, Марказий Осиёда хавфсизликка таҳдид солаётган омиллар орасида бугунги кунда диний ва сиёсий экстремизм, халқаро терроризм ва наркобизнес, одам савдоси каби хавф-хатарлар глобаллашув оқибатида кенг ва тез тарқалмоқда. Маълумки, кўп йиллардан бери Афғонистонда давом этиб келаётган уруш терроризм ва диний экстремизмнинг янада авж олишига шароит яратмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш борасидаги устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилди [5].

Айниқса, бугунги кунга келиб, афғон наркотиклари ноқонуний савдоси муаммоси жаҳон миқёсида долзарб масалага айланди. Уруш ҳаракатлари туфайли мамлакат иқтисодиётини қайта тиклашнинг халқаро ҳамжамият томонидан орқага сурилиши, иқтисодий-гуманитар ёрдамнинг етарли даражада ажратилмагани аҳолининг аксарият қисмини оғир иқтисодий аҳволга солиб қўйиб, уларни даромад олишнинг бирмунча енгил йўли - мамлакатда оммавий равишда наркотиклар етиштириш ва ишлаб чиқаришда иштирок этишга ундади. Катта миқдорда етиштирилган наркотик моддаларни реализация қилиш, табиийки, уларни дунё бозорларига етказиш мақсадида жаҳон бўйлаб турли йўналишлардаги наркотрафикни шакллантиришни тақозо этади. Шимолий йўналишда наркотикларни Марказий Осиё орқали Россияга ва Европа мамлакатларига етказиш давомида уларнинг маълум қисми минтақа давлатларида қолади. Бу эса минтақа давлатларидаги аҳоли ўртасида наркотиклар билан боғлиқ турли иллатларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлади. Ана шу йўл билан Афғонистондаги беқарорлик бутун дунё хавфсизлик тизимига жиддий салбий таъсир кўрсатади [6].

Маълумки, турли замонларда Марказий Осиё инсоният тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Минтақанинг геосиёсий ва геоиқтисодий салоҳияти дунёдаги йирик акторлар эътиборини ўзига жалб этишида намоён бўлиб, бундай давлатларнинг манфаатлари ҳар доим ҳам минтақа давлатлари манфаатларига мос келавермайди. Шу боис, минтақавий хавфсизликка энг катта хавф – йирик давлатларнинг манфаатларидаги қарама-қаршиликлардир, деб айтиш мумкин. Шунинг учун минтақа доирасида миллий ва минтақавий манфаатлар устуворлиги сақланган ҳолда ташқи сиёсат, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг долзарб муаммолари бўйича умумий ёндашувни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштиришга кўмак берадиган минтақавий ташкилотларнинг ролини ошириш бу борадаги мавжуд муаммоларнинг олдини олиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда халқаро, минтақавий, миллий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, мавжуд таҳдидлар кўлами алоҳида бир давлатнинг ўз миллий хавфсизлигини минтақавий ва халқаро хавфсизлик тизимидан узилган ҳолда бир ўзи таъминлаши ўта мушкул вазифа ҳисобланади.

Минтақавий коллектив хавфсизликни таъминлаш механизмларини универсал хавфсизлик тизими билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш халқаро ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ва юклатилган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини талаб этади. Бу эса, ўз навбати-

да, барча давлатлар манфаатини инобатга олувчи “янги дунё тартиботи”ни шакллантиришни тақозо этади. Мазкур муаммоларни ҳал этишнинг асосий механизми сифатида БМТнинг ролини ошириш дунё ҳамжамиятининг муҳим вазифасидир. Бунинг учун ҳар бир давлат дунёда содир бўлаётган жараён ва геосиёсий ҳолатни, бошқа давлатларнинг миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда ўз миллий манфаатларини қайта кўриб чиқиши ва муросага келиши зарур [7].

Минтақа давлатларининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан мавжуд хавф-хатарларни англаб етишга, уларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш учун самарали чора-тадбирларни амалга оширишга боғлиқ. Демак, бу жараёнда минтақа давлатларига, авваламбор, сиёсий бирлашув ва иқтисодий интеграция керак.

Ҳозирги кунда энг оғир уюшган жиноятчилик халқаро терроризмдир. Бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан терроризмга қарши кураш масаласи бўйича бир қанча халқаро шартномалар ишлаб чиқилган. Халқаро ҳамжамиятнинг ҳар бир аъзоси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини бажариш мажбуриятини олган. Шунга қарамай, ҳозиргача мазкур таҳдид борасида ягона ёндашув ҳамда ҳуқуқий меъёр мавжуд эмас. Бу эса, дунё давлатлари учун бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Шу боис, халқаро ҳамжамият томонидан норматив базалар асосида терроризмга қарши олиб борилаётган ҳаракатларни умумлаштириш зарур. Бунда “Халқаро терроризм тўғрисидаги умумжаҳон конвенцияси”ни қабул қилиш жараёнини тезлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, ушбу Конвенция доирасида қуйидаги асосий жиҳатларни эътироф этиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

биринчидан, конвенцияда “халқаро терроризм” тушунчасига аниқ ва универсал таъриф берилиши керак. Чунки замонавий халқаро ҳуқуқ амалиётида ушбу тушунчага таъриф бериш масаласи долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 1974 йилда қабул қилинган Резолюциясида “халқаро терроризм” тушунчасига таъриф берилган, аммо жаҳондаги кўплаб мамлакатлар ўзининг миллий қонунчилигида терроризм тушунчасини турли ёндашувлар асосида талқин этишган;

иккинчидан, юқорида номи зикр этилган конвенцияда терроризмни молиялаштиришга қарши кураш масалаларига бағишланган алоҳида қоидалар белгиланиши керак. Зеро, бугунги кунда терроризм жиноятини молиялаштириш ва пул маблағлари билан қўллаб-қувватлаш ҳолати глобал аҳамият касб этиб, ҳатто айрим мамлакатлар миқёсида энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда;

учинчидан, халқаро терроризмга қарши кураш фаолиятида давлатлараро ҳамкорлик масалалари алоҳида тартибга солиниши лозим. Халқаро ҳамкорлик соҳаси бўйича аниқ ва самарали стратегик йўналишларнинг белгилаб олиниши, мувофиқлаштириш функциясини амалга оширувчи ягона халқаро ташкилот ёки муассасанинг ташкил этилиши халқаро террористик ҳаракатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича самарали фаолиятни йўлга қўйишга имкон беради;

тўртинчидан эса, конвенция матнида халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида давлатларнинг масъулиятини кучайтиришга қаратилган айрим ташкилий-ҳуқуқий талабларни эътироф этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, конвенцияни тегишли тартибда ратификация қилган давлатлар баъзи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мажбуриятини олиши ва бундан келиб чиққан ҳолда, терроризмга қар-

ши кураш бўйича йиллик Чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш ва ижро этиш вазифасини ўз зиммаларига оладилар ва ҳ.к.

Адабиётлар

1. *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.:Ўзбекистон, 2011.

2. *Бобокулов И., Умаров Х.* Хавфсизлик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: ЖИДУ, 2011.

3. *Бозоров О.* Хавфсизлик тизимининг Марказий Осиё минтақасидаги ўзига хос жиҳатлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2011. 9-бет.

4. *Бэттлер А.* Национальные интересы, национальная и международная безопасность // Полис. – Москва, 2002. №4. С. 167-168.

5. *Каримов И.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 29-бет.

6. *Аҳмедов Н.* Хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари. Илмий рисола. Тошкент, 2010. 23-бет.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлик” номли илмий мақоласи. 11.06.2010 йил. \\ www.press-service.uz

Ҳ. Очилов,
ЖИДУ Давлат қурилиши ва ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси

ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ КОМПЬЮТЕР ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИЛИГИ

В статье рассматриваются социальные отношения, связанные с хищением чужого имущества с использованием компьютерных технологий. В статье используются логический, исторический, сравнительно-правовой, специально-юридический, системно-структурный, а также метод анализа и синтеза. Выдвинуты авторские идеи социальной опасности киберпреступности, а также относительно преступлений, связанных с хищением чужого имущества с использованием компьютерных технологий. Разграничены этапы тенденций развития законодательства Республики Узбекистан в компьютерной сфере со времен независимости.

Калит сўзлар: *таянч (энг муҳим) сўзлар: Авесто, Темур тузуклари, Вандидод, Ҳидоя, компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини талон-торож қилиш, компьютер технологиялари, кибержиноятчилик, элетрон ҳисоблаш машиналари, Франция жиноят кодекси, халқаро ҳамкорлик, компьютер жиноятчилиги.*

Ключевые слова: *Авеста, Уложение Темура, Вандидад, Хидоя, хищение чужого имущества с использованием компьютерных технологий, компьютерные технологии, киберпреступность, электронно-вычислительные машины, Уголовный кодекс Франции, международное сотрудничество, компьютерная преступность.*

Key words: *Avesta, the Code of Temur, Vandidad, Hidoya, theft of another's property with the use of computer technology, computer technology, cyber-crime, electronic computers, the Criminal Code of France, international cooperation, computer crime.*

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларида “компьютер жиноятчилиги” тушунчасига борган сайин кўпроқ дуч келишимиз мумкин. Бундай эътибор бежиз эмас, албатта. Зотан, бугунги кунда амалда ҳар қандай соҳани – ахборот, алоқа, савдо-саноат, банк, биржа операциялари ва ҳ.к.ни компьютерлар иштирокисиз тасаввур этишимиз мушкул.

Президентимиз И.А.Каримов ҳам 2010 йилнинг 24 январидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузасида “Юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантириш биз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этиш даркор. Бугунги кунда ҳаётимизни компьютер техникаси, ахборот технологиялари, Интернет, мобил телефон алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди [1]” деб таъкидлаб ўтганлари ҳам бежиз эмас, албатта.

Ҳозирда жамиятимизнинг барча муҳим функция ва вазифалари компьютер, компьютер тармоқлари ҳамда компьютер ахборотларига у ёки бу даражада боғлиқ бўлиб қолган. Айниқса, қонунчилик ва давлат тизимида компьютер жиноятчилигига қарши курашнинг мукаммал механизми мавжуд эмаслиги вазиятни янада мушкуллаштиради [2].

Шундай қилиб, компьютер ахборот тизимларининг жамият ҳаётидаги ўрни, улардан фойдаланиш ва қайта ишлашдаги кўламининг ошиб бораётганлиги, Интернет глобал тармоғи фойдаланувчиларининг сони тобора ортиб бораётганлиги ва бу борада давлат бошқарув органлари фаолиятига ҳам компьютер тармоқ ва тизимларининг жадал кириб келаётганлигини инобатга олиб, ушбу тизимларни ва ахборотларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишдек долзарб муаммо юзага келмоқда.

Ушбу жиноятчиликнинг мунтазам ошиб бориш сабабларидан бири эса, жиноят натижасида қўлга киритиладиган пул миқдорининг катталиги ҳамда жиноят содир этишнинг ўзига хослиги билан изоҳланади.

Компьютер жиноятчилигини жиноятчиликнинг бир кўриниши сифатида тадқиқ этиш борасида тадқиқотчилар турли-туман фикр ва мулоҳазалар билдирадилар. Масалан, Ю.М.Батурин “Компьютер жиноятчилиги юридик жиҳатдан жиноятчиликнинг алоҳида гуруҳи сифатида мавжуд эмас, балки кўплаб анъанавий жиноятлар улар сирасига ҳисоблаш техникасининг кириб келиши эвазига модификацияланган, шу боис уларни махсус гуруҳга ажратмай, жиноятчиликнинг компьютерга оид жиҳатлари хусусида сўзлаш маъқул” [3], деб таъкидлайди.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, таъкидлаб ўтиш керакки, компьютер жиноятчилиги мазмунан кўплаб турдаги жиноятларни қамраб олади. Улар орасида ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу жиноятларнинг компьютер жиноятчилиги тизимидаги улуши улкан бўлиб, уларни тадқиқ этишни компьютер жиноятчилиги таснифидан бошлаган маъқул ва шу орқали ушбу жиноятларнинг компьютер жиноятчилиги тизимидаги ўрнини аниқ-равшан англаш мумкин бўлади.

А.А.Ортиқов, А.Т.Исаходжаев ва А.В.Шестаковлар компьютер соҳасидаги жиноятларнинг қуйидагича таснифланишини қайд этадилар: 1) жисмоний суиистеъмолликлар (анжомларни бузиш, йўқотиш, дастур ёки ахборотни йўқ қилиш ва ш.к.); 2) операцион суиистеъмоллик (фирибгарлик, санкциясиз компьютер маълумотларидан фойдала-

ниш); 3) дастурлар бўйича суиистеъмоллик (вирус ва зарарли дастурлар тарқатиш); 4) электрон суиистеъмоллик (дастурни ноқонуний ўзгартириш) [4].

Суданлик мутахассис Мудави Мухтар ушбу масала хусусида тўхталар экан, компьютер жиноятчилигининг икки тоифасини фарқлайди: а) компьютер жиноий фаолиятни амалга оширишда ёрдамлашувчи восита сифатида фойдаланиладиган жиноятлар (масалан, сохта гувоҳнома ясаш, муаллифлик ҳужжатларини ишлаб чиқариш ва ш.к.); б) компьютер маълумотни ўғирлаш ёки бузиш, банкка ҳужум қилиш, қонунга хилоф пул операцияларини амалга ошириш, кредит карточкалари рақамларини ўғирлаш мақсадларида ҳамда жиноят қуроли сифатида фойдаланиладиган жиноятлар [5].

Бироқ назаримизда, ушбу ҳолатда, компьютер жиноятчилигининг икки турида ҳам компьютер восита сифатида эътироф этилиши лозим. Чунки компьютер техникаси воситаларини бевосита жиноят қуроли сифатида эътироф этиб бўлмайди. Чунки жиноят қуролининг мазмуни компьютер техникаси воситаларига тўғри келмайди. Шу маънода, муаллифнинг ушбу таснифига қўшила олмаймиз.

Инглиз олими Н.Батлей эса, компьютер жиноятчилигининг икки турини ажратиб кўрсатади: биринчисида компьютер жиноят объекти сифатида, иккинчисида эса жиноят воситаси сифатида кўрилади [6].

Ушбу билдирилган фикрга ҳам қўшилмаган ҳолда, компьютер техникаси воситалари ҳар қандай ҳолатда ҳам жиноят объекти бўлиб кела олмайди, балки айрим ҳолларда жиноят предмети бўлиб келиши мумкин.

И.А.Клепицкий [7] эса, тажовуз объектига кўра, компьютер жиноятларининг қуйидаги гуруҳларини фарқлайди: иқтисодий компьютер жиноятлари; шахсий ва дахлсизликка бўлган ҳуқуқларга қарши компьютер жиноятлари; давлат ва жамият манфаатларига қарши компьютер жиноятлари. Муаллиф ушбу таърифни келтирар экан, улар орасида энг кенг тарқалгани ва энг хавфлиси сифатида иқтисодиёт соҳасидаги компьютер жиноятларини, хусусан компьютер фирибгарлиги, компьютер воситаларидан фойдаланиб содир этиладиган иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларни кўрсатади.

Хитой Халқ Республикаси Шимолий-ғарбий сиёсий-ҳуқуқшунослик университети Жамоат хавфсизлиги институти директори, проф. Хуэй Шень Ву [8] компьютер жиноятчилиги фавқулодда кўп қиррали ва мураккаблиги боис, уни умумлаштириш мушкуллигини таъкидлаб, қуйидаги таснифни таклиф этади: 1) тармоқ орқали ҳужум қилиш ва компьютер тизимларига зарар етказиш: хакерлик аралашуви, компьютер вирусларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш, компьютерда сақланадиган маълумотларни ўзлаштириш; 2) тармоқ фирибгарлиги – жиноятчилар жабрланувчилардан пул ундириш мақсадида Интернет орқали ёлғонлиги олдидан маълум бўлган маълумотлардан иборат бўлган даромадли таклифлар киритадилар; 3) компьютер тизимларига ноқонуний кириш орқали молия муассасаларидан пул маблағларини ўғирлаш – ҳозирда компьютер воситаларидан фойдаланиб энг кўп содир этилаётган жиноят ҳисобланади; 4) онлайн тизимида қизғин ўйинлар ташкил этиш ва Интернет орқали шаҳвоний тусдаги хизматларни реклама қилиш; 5) муаллифлик ва турдош ҳуқуқларга тажовуз қилиш, яъни интеллектуал мулкка қарши компьютер жиноятлари; 6) давлат сирини ташкил этувчи маълумотларни талон-торож қилиш, яъни давлат хавфсизлигига қарши компьютер жиноятлари; 7) маълумот тарқатиш: порнографик маҳсулотларни, ирқчилик ва миллатлараро низоларни келтириб чиқарувчи маълумот-

ларни тарқатиш ва ш.к.; 8) фуқароларнинг шахсий ҳаётига тажовуз қилиш [9].

Биз ушбу ҳолатда ҳам муаллифнинг фикрига тўлиқ қўшила олмаймиз. Чунки муаллиф компьютер жиноятчилиги таснифида компьютернинг жиноят содир этиш воситаси сифатидаги асосий вазифасини эътиборга олмасдан жиноятларни таснифламоқда. Яъни компьютер жиноятчилиги тушунчаси асоссиз равишда кенгайтириб юборилмоқда.

Интерпол Бош котибияти томонидан ҳам компьютер жиноятчилигининг махсус кодлаштирилган тизими ишлаб чиқилган бўлиб, 1991 йилда ушбу тизим автоматлаштирилган қидирув тизимида жорий этилиб, бугунги кунда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида амал қилиб келмоқда. Бунда компьютер жиноятчилигини тавсифловчи барча кодлар Q ҳарфи билан бошланади. Унда компьютер фирибгарлиги (QF): QFC – банкоматлар фирибгарлиги; QFF – компьютердан фойдаланиб сохталаштириш; QFG – ўйин автоматлари билан боғлиқ фирибгарлик; QFP – тўлов воситалари фирибгарлиги; QFT – телефон фирибгарлиги; QFZ – бошқа компьютер фирибгарликларидан ташкил топиши кўрсатилган, шунингдек, бошқа компьютер жиноятлари (QZ) таркибига QZE – тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни талон-торож қилиш ва QZZ – бошқа компьютер жиноятлари киритилган. Гувоҳи бўлганимиздек, бунда асосий эътибор компьютер талон-торожининг асосий шакли сифатида компьютер фирибгарлигига қаратилган.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларни таҳлил қилган ҳолда, назаримизда, компьютер жиноятчилигини ундан қурол ёки восита сифатида фойдаланиб жиноят содир этиш, шунингдек, уни жиноят предмети сифатида фарқлаш ва жиноятларни гуруҳлаш бироз нотўғри. Чунки компьютер жиноятчилиги деганда, фақатгина компьютер воситалари жиноят содир этиш воситаси сифатида жиноят содир этилишини осонлаштириши лозим ва шу нуқтаи назардан компьютер жиноятчилигини гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Ушбу билдирилган фикрдан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, компьютер жиноятчилигини жиноий тажовуз қаратилган объектга кўра, қуйидагича гуруҳлаш мақсадга мувофиқ бўлади: 1) шахсга қарши жиноятлар соҳасида компьютер жиноятчилиги; 2) иқтисодиёт соҳасидаги компьютер жиноятчилиги; 3) тинчликка, жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига қарши жиноятлар; 4) давлатга қарши жиноятлар соҳасидаги компьютер жиноятчилиги.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, компьютер жиноячилиги деганда – жиноят қонуни билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмишни компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда компьютер ахбороти тизимида сақланаётган маълумотларни модификация қилиш орқали содир этилишига айтилади, деган фикрни билдирсак бўлади.

Гарчанд, бугунги кунда Ўзбекистонда компьютер жиноятчилиги Америка қитъаси, Марказий ва Шарқий Европа давлатларидаги сингари кенг ёйилмаган бўлса-да, бу ушбу жиноятларга қарши кураш аҳамиятини пасайтирмайди. Шу боис, бошқа огоҳлантирувчи чоралар қаторида жиноят қонуни ҳам жиноятчиликка қарши курашнинг ҳамда телекоммуникация тизимларининг мўътадил ва барқарор ривожланишини таъминлашга қодир бўлган ҳақиқий қуролга айланиши жоиз.

Айниқса, компьютер жиноятчилигининг энг кўп содир этиладиган тоифаси – ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятига оид нормаларни такомиллаштириш бугунги кунда давр талаби ҳисобланади. Зеро, жаҳон мамлакатларида компьютер жиноятчили-

гининг 52 фоизини [10], Ўзбекистон Республикасида эса, деярли 90 фоизни [11] айнан мазкур турдаги жиноятлар ташкил этиши ҳам сўзимизни яққол тасдиқлайди.

Ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жинояти компьютер жиноятчилиги тизимида бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Даставвал, жиноят таркиби бўйича айрим фарқлар хусусида тўхталиб ўтсак. Бугунги кунда юридик адабиётларда [12] компьютер жиноятчилигининг бир жиҳати алоҳида уқтирилади: ушбу тоифа жиноятларда компьютер бир вақтнинг ўзида жиноят предмети ва жиноят содир этиш қуроли (ёки воситаси) вазифасини бажариши мумкин. Компьютер жиноятчилигининг ушбу хусусияти ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жинояти учун хос эмас. Зеро, ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятида жиноят предметини асосан электрон ҳисоб варақадаги накд бўлмаган пул маблағлари ташкил этиши ва компьютер фақатгина жиноят содир этиш воситаси эканлиги билан аҳамиятлидир.

Мулкни талон-торож қилишнинг мазмуни шунда намоён бўладики, жабрланувчи маълум миқдордаги моддий бойлиги ёки унга бўлган ҳуқуқларидан ноқонуний равишда маҳрум этилади. М.Ҳ.Рустамбоев таъкидлаганидек, “талон-торож – ўзгалар мулкини ўз фойдаси, бошқа шахслар фойдасига қонунга хилоф тарзда ва бепул олиб қўйишдир” [13]. Шундай фикр Э.С.Тенчов [14] ва А.И.Рароглар [15] томонидан ҳам билдириб ўтилган.

Р.Кабулов эса, “талон-торож – бу ўзгалар мулкини мулкдор ёки мулк эгаси эгалигидан шахсий ёхуд ўзга шахслар фойдасини кўзлаб, бепул, ғаразли, қонунга хилоф тарзда ва қасддан эгаллаб олиш бўлиб, бунинг натижасида мулкдорга моддий зарар етказилади” [16], деб ёзади.

В.В.Векленко, С.С.Ниёзова, А.К.Иркахаджаев ва Е.О.Алауханов лар [17] талон-торож ҳақида мушоҳада юритиб, унинг муҳим ва ўзига хос белгилари сирасига ғаразли мақсад, ҳуқуққа хилофлик, қайтармаслик шарти билан олиб қўйиш, айбдор ёки бошқа шахслар фойдасига олиш, мулкдорга зарар етиши кабиларни киритиб ўтади.

Ш.Ё.Абдуқодиров ва У.М.Мирзаевлар эса, айнан ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш хусусида тўхталиб, ушбу жиноятни “ўзгалар мулкини ўз фойдаси, бошқа шахслар фойдасини кўзлаб, қонунга хилоф тарзда ва бепул компьютер воситасидан фойдаланиб қаратиб олиш” [18] сифатида баҳолайдилар.

Лекин компьютер талон-торожига юқорида берилган таъриф компьютер талон-торожи мазмунини тўлиқ очиб бера олмаган деб таъкидлашимиз мумкин. Чунки амалдаги жиноят қонунида кўрсатилган барча талон-торож турларини компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этишнинг имконияти йўқ ва барча ҳолатларда ҳам компьютер воситасини жиноят таркиби элементининг алоҳида белгиси сифатида олиш нотўғри бўлади. Шундай экан, компьютер талон-торожига берилган таърифда талон-торожнинг айнан қайси турлари компьютер воситаларидан қандай усуллар билан фойдаланган ҳолда амалга оширилса, компьютер талон-торожи бўлиши мумкинлиги ҳақида айтилса, таъриф янада тўғри бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

Компьютер технологияларидан фойдаланиб содир этилган талон-торож учун ҳам юқоридаги талон-торожга хос бўлган хусусиятлар тегишли бўлиб, ушбу жиноят тури қуйида келтирилган бир қатор ўзига хос жиҳатларни ҳам ўзида ифода этади:

• Биринчидан, ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятида жиноят предмети сифатида асосан электрон кўринишдаги пул маблағи (нақд бўлмаган пул)да намоён бўлиши ва ушбу нақд бўлмаган пул маблағларининг алоҳида маълумот кўринишида ҳисоб рақамларда ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб воситаси ҳисобланган пластик карточкаларда сақланиши;

• Иккинчидан, ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жинояти бошқа талон-торож жиноятларидан содир этиш усулига қараб тубдан фарқланади. Яъни, жиноят предметига тажовуз қилишнинг ўзига хослиги (ашёвийлик белгисига эга бўлмаган ахборот кўринишидаги мулкка компьютер воситаси орқалигина ишлатиш мумкин бўлган қуроллар (дастур)лардан фойдаланган ҳолда зарар етказиш мумкинлиги;

• Учинчидан, ушбу жиноятнинг виртуал кибермуҳитда содир этилиши боис, ушбу жиноятни содир этган шахсларнинг кўп ҳолларда маълум вақтгача аниқланмай қолиши ёки жиноят латентлик даражасининг юқорилиги;

• Тўртинчидан, ҳуқуққа хилоф ҳаракатни маълум масофадан туриб (дистанцион) содир эта олиш имконияти, жиноят содир этишнинг тезкорлиги ва бунда ўз шахсининг яширинлигини таъминлай олиш имкониятининг мавжудлиги, шунингдек, жабрланувчига етказилиши мумкин бўлган моддий зарарнинг жуда юқорилиги;

• Бешинчидан, ушбу жиноятларни замонавий ахборот технологиялари соҳасидаги махсус билимлардан фойдаланмай очиш ва фош қилишнинг деярли имкони йўқлиги;

• Олтинчидан, ушбу жиноятнинг жабрланувчиси сифатида ҳар қандай шахс эмас, балки юридик шахс сифатида, банк ёки кредит муассасалари ҳамда банкда ўз ҳисоб рақамига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларда намоён бўлиши;

Бугунги кунда ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятининг қамров доирасини, яъни қандай жиноятлар ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятини ташкил этиши масаласи ҳам мунозарали. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунида компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш, растрата қилиш, фирибгарлик ва ўғрилик қилиш мумкинлиги назарда тутилган ва жавобгарлик белгиланган.

А.В.Распопова эса, бу ҳақда шундай деб ёзади, “ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш асосан ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата, товламачилик, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкка зарар етказиш, ноқонуний тадбиркорлик, тижорат, солиқ ёки банк сири ҳисобланадиган маълумотларни ноқонуний қўлга киритиш ва ошкор этиш, кредит картани қалбакилаштириш жиноятларида яққол намоён бўлади” [19].

Биз муаллифнинг ушбу фикрига қўшила олмаймиз. Сабаби, тадқиқотчи томонидан қайд этилган алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкка зарар етказиш, ноқонуний тадбиркорлик, тижорат, солиқ ёки банк сири ҳисобланадиган маълумотларни ноқонуний қўлга киритиш ва ошкор этиш, қалбаки кредит карточкани тайёрлаш каби қилмишлар мазмун-моҳиятига кўра талон-торожни ташкил этмайди ва шунга кўра ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш деб баҳоланиши мумкин эмас.

Ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятининг бир кўриниши сифатида сўнгги йилларда “пластик” жи-

ноятчилик ривожланмоқда. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан мамлакатимизда ҳам нақд пулнинг ўрнида пластик карточкалардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда. Пластик карточкаларни сохталаштириш ёки компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ундаги маълумотларга ноқонуний кириш орқали ўзгалар мулкини талон-торож қилиш АҚШ ва Италия каби давлатларда кескин кўпайиб кетган [20].

Умуман олганда, ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси амалдаги жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган алоҳида нормани жорий этиш заруриятини қуйидаги омиллар билан изоҳлашимиз мумкин: **биринчидан,** ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жинояти сўнгги йилларда жаҳон миқёсида шиддат билан тарқалиб бораётган потенциал хавф манбаидир; **иккинчидан,** ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жинояти кўп ҳолларда расмий статистик маълумотларда ўз аксини топмай қолади, яъни ушбу жиноятлар юқори латентлиги билан тавсифланадики, бу ҳолат расмий рақамларга асосланиб мазкур тоифа жиноятларга қарши курашни сусайтирмасликни тақозо қилади; **учинчидан,** ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жинояти оддий талон-торож жиноятларидан бир қатор хусусиятлари билан фарқланадики, бу мазкур жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун алоҳида моддада жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқлигини асослайди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш деганда, ўзганинг мулкини ёхуд мулкий ҳуқуқини компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда компьютер ахбороти тизимидаги маълумотларни қонунга хилоф равишда модификация қилиш орқали қасддан, ғаразли ниятларда, текинга, қайтариб бермаслик шарти билан, эгаллашга айтилади, деган фикрни билдирмоқчимиз.

Адабиётлар

1. *Каримов И.А.* Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент. Ўзбекистон, 2010 – Б.

2. *Баранов О.* Цифрове законодальство // Дзеркало тижня. – № 20 (395). – 1–7 червня 2002 р.

3. *Батурин Ю.М.* Проблемы компьютерного права. – М.: Юрид. лит., 1991. – С. 27.

4. *Ортиқов А.А., Исаходжаев А.Т., Шестаков А.В.* Хуфёна иқтисодиёт: Ўқув қўлланмаси. / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. У.Таджиханов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – Б. 148–149.

5. *Мухтар М.* Киберпреступность. // Владивостокский центр исследования организованной преступности: www.crime.vl.ru

6. *Батлей Н.* Компьютерная преступность: Пер. на кит. язык Хао Хайян. Изд-во Ляонинского просвещения, 1998.

7. Уголовное право России. Особенная часть: Учебник / Отв. ред. доктор юридических наук, профессор Б.В.Здравомыслов. – М.: Юристъ, 1996. – С.346-347.

8. *Хуэй Ш.В., Фань И.* Компьютерная преступность и правовое обеспечение информационной безопасности: www.crime–research.ru/library/huey.htm

9. *Хуэй Ш.В*. Некоторые вопросы о законотворчестве в области компьютерных систем // Вестник Государственного института работников прокуратуры. – №3. – 2002. – С. 33.

10. *Мелик Э*. Компьютерные преступления. Информационно–аналитический обзор.– М., 1999. – С. 84.

11. Тадқиқот ишини ёзишда ўрганилган суд ҳукмларининг таҳлили асосида.

12. *Наумов В.* Отечественное законодательство в борьбе с компьютерными преступлениями. // Computer World Россия. – №8. – 1997. – С. 31.

13. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮИ, 2000. – Б. 196.

14. Уголовное право России. Часть Особенная. Учебник. / Отв. ред. Л.Л. Кругликов. – 3–е изд. – М.: Волтерс Клувер, 2005. – С. 203.

15. Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть: Учебник / Под ред. проф. Б.В. Здравомыслова. – Изд. 2-е. – М.: Юристь, 1999. – С. 141.

16. *Кабулов Р.* Уголовно-правовые борьбы с хищениями: теория и практика. Дисс. .... докт. юрид. наук. –Ташкент, 1997. – С. 22.

17. *Векленко В.В.* Процесс квалификации хищений // Юридические технологии. – 2001. – №10. – С. 35; Ниёзова С.С. Ўзгалар мулкини иштирокчиликда талон–торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б.15–16; Иркохаджаев А.К. Субъективная сторона хищения имущества, совершенного путем мошенничества. // Уголовно-правовые меры борьбы с преступностью. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 25; Алауханов Е.О. Квалификация хищения совершенных по подложных документам / Отв. ред. проф. Г.А.Ахмедов. – Алматы – Ташкент: Адолат, 1994. – С.12.

18. *Абдуқодиров Ш.Ё., Мирзаев У.М*. Мулкни талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик. – Тошкент. ТДЮИ, 2009. – Б. 7.

19. *Распопова А.В.* Организационно–методическое обеспечение первоначального этапа расследования преступлений, совершаемых в сфере экономики с использованием средств компьютерной техники. Автореф. дисс.канд. юрид. наук. -– М., 2007. – С. 3.

20. *Ривкин К.* Преступления с кредитными карточками // Экономика и жизнь. – №2. – 1997. – С. 32.

Г.Сатвалдиев,
Центр правовых исследований УМЭД, магистр права

ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА ТЕХНОЛОГИЙ: ОПЫТ США

Мазкур мақолада бюджет маблағлари ҳисобидан яратилган интелектуал мулкнинг ҳимояси ва унинг тақсимланишига оид масалалар ва уларни коммерциялаштириш механизмлари очиб берилган. АҚШ мисолида давлат ҳисобидан яратилган интелектуал мулкни хўжалик айланмасига киритиш тажрибаси ўрганиб чиқилган ва ушбу муваффақиятли тажрибаларни Ўзбекистон Республикасининг ўзига ҳос хусусиятларини ва манфаатларини инобатга олган ҳолда татбиқ этиш таклифлари берилган.

* * *

